

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

2003 йил - Обод маҳалла йили



Кўпни кўрган қарияларимиз оилани беҳиз олтин бешикка қиёслашмайди. Чортоқ шаҳрининг Бўлон маҳалласидаги Уғилхон ая ва оддий хайдовчи Мамажон оталарнинг зурриёдлари бўлган тўққиз нафар қизларини ва ёлғиз ўғиллари Аҳмаджонни еру-қўкка ишонишмайди.

Мамажон ота ва Уғилхон аянинг бир ёстиққа бош қўйишганига ҳам эллик уч йилдан ошибди. Бу айтишга осон. Улар фарзандини улгайтириб, эл-юрт қорига ярайдиган қилиб тарбиялашди. Ўзлари ўқимишли бўлишмаса ҳам барча фарзандлари олийгоҳ ва техникумларда таҳсил кўриб, етук инсонлар бўлиши учун меҳр билан эътибор қилишди.

Тўққиз санамларнинг онаси

Бош эгамнинг раҳматли оналари Офтобхон ачамлардан ўрганмаган нарсамнинг ўзи қолмаган, десам муболага бўлмайди, - дейди Уғилхон ая. Бир ўғитларида ачамлар, «фаҳм-фаросатли аёл эридан дашном эшитмайин деса, авзоийдан дилидагинисини англаб, шунга яраша иш тутса, турмуш тоғу бўлади», - деганлари ҳали-ҳали ёдимда.

Чиндан ҳам умрининг саксонинчи йилларида бахт оғушига қадам қўйган Уғилхон аянинг суратига тикилиб, ундаги самимийликни ўқмаслик мумкин эмас. Ўзидаги оналик меҳрини, аёллик маҳоратини қизларига бергани боис оилалари билан аҳил-иноқ яшашмоқда. Бирортасининг аразлаб келганини ҳеч ким билмайди.

Оналарининг ўзига хос ҳаёт мактабидан сабоқ олган тўққиз нафар қизини тутган тутумидан нафақат яқинлари, ҳатто маҳалла-кўю жамоатдошлари ҳам хамиша миннатдор.

Қизларнинг тўнгичи Мавлудахон опа Мамажоннова шундай дейди. - Аллақачон оналик бахтидан сарҳушланиб, бувилик саодатига етган бўлсак ҳам онамиз учун боламиз. У кишидан ҳалигача маслаҳат олиб турганимиз сабаб рўзғорининг кўнгли тўлмайди.

Киз учун онанинг ўғитидан аёло бойлик бўлмайди. У битмас-туганмас хазинанинг ўзи.

Тўғри, Мамажон ота ва Уғилхон аялар қизларига мол-дунё, ҳашаматли уйлар ато этишмади. Уларнинг ҳар бири севган касбларининг моҳир устаси, қўллари гул чевар бўлишлари учун имкон яратишди.

- Бу хунарни бизга Аллоҳ умрини бергур онамиз ўргатганидан беҳад хурсандмиз, - дейди онасининг касбини эгаллаган Муҳаббатхон.

Оиланинг устуни ҳисобланган эркакнинг топганига қараб ўтириш рўзғорни тўлдирмайди. Уғилхон ая тиккан чопонларга, қавиган кўрпа-ю-кўрпачаларга қараб кўзингиз қувнайди.

Невараларига, энди эса чеварларига ҳам иккита-учтадан ўз қўллари билан тиккан чойшабми, сочқим ҳадя этмаса бу онахон-

нинг кўнгли тўлмайди.

Бобо-ю момоларининг дуоларини олаётган 40 набира, 26 чеварани аҳил-иноқлигини айтинг! Уларни тарбиялашда оналари Моҳидахон, Маъсумахон, Маъмурахон, Муъссархон, Халимахон, Нодирахон ва Маҳмудахон оналари насихатларига амал қилиб ёл аро иззат-ҳурмат топишмоқда.

Бир-бирларидан сулув, шу билан бирга дилқаш қизларнинг онаси бўлган чортоқлик Уғилхон ая Мамажоннованинг қуёш тафтидек меҳри кўнгилларни эритади. Миллатимизнинг онаси шундай бўлиши табиий ҳам. Уни эътироф этмаслик гуноҳи-азимдек гўё...

Чорак аср бирга яшаётган ёлғизгина келини Марямхон Мамажоннова қайнонаси ҳақида шундай дейди.

- Ростини айтганда қайнонамни онамдек ҳурмат қиламан десам, - бировлар ишонмаслиги мумкин. Бу покча аёлдан ҳаётни, оилани қадрлашни ўргандим. Қанчалик қадрласам шунчалик оз. Илоё, иноқлигимизга кўз тегмасин!

Аскарвали МАМАТОВ
Наманган вилояти

ФАРЗАНДАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛИШСА...

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди. Уларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистон энг яхши кўрсаткичларга эга экан.



Ўзбек халқи азалдан болаларга меҳр кўзи билан қарайдиган, улар учун жонини нисор этадиган халқ, Кўнглининг туб-тубида фарзандларининг соғ-омон ўсиб, улгайиб камолга етишини кўришдек эзгу ниятлари бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан энг аввало эътиборни ёш авлодни соғломлаштиришга қаратди. Айнан шу мақсадда, 1991 йилнинг 27 февралда "Туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишларининг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳудудий дастур қабул қилинди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни устувор йўналишларини амалга ошириш, ўсиб келаётган авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар амалга оширилди.

1993 йилда эса Вазирлар Маҳкамасининг "Ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш чора-тадбирларини комплекс ҳал қилишга оид" қарорига асосан туғиш ёшидаги аёллар ёппасига тиббий кўриқдан ўтказила бошланди. Ана шу қарорни амалга ошириш орқали юртимизда соғлом болалар туғилишига асосий эътибор қаратила бошланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда жойлардаги маҳалла, Хотин-қизлар фаоллари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш юзасидан ёш оилалар ўртасида скрининг текширувлар, никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтиш ишлари йўлга қўйилди.

Ваҳоланки, она соғлом бўлмас экан, фарзандининг соғлом бўлиши ҳам қийин. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар саломатлиги қаттиқ назоратга олинди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид имкониятларимиз кундан кунга кенгайтирилди. Республикада "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Шу боис оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид имкониятлар кўпайди. Она бўлиш бахт. Унинг зиммасидаги энг олий бахт эса соғлом фарзандни дунёга келтириши ва тарбиялашида акс этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти,

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) тавсияларига кўра, янги туғилган чақалоқни 15-20 дақиқадан сўнг она кўрагига тутиш, туғруқхонада уларни бир жойда сақлаш йўлга қўйилди.

Юртимиздаги аёлларни соғломлаштириш учун Республика экстрогенитал касалликлар, она ва бола марказлари, унинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилган. Уларда туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди. Йиллар аро қабул қилинаётган давлат дастурларининг асосий моҳияти соғлом авлодни воёга етказиш, тарбиялашдан иборат.

Оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияларни амалга оширишда, юртимиздаги мавжуд қонунларни такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Унинг Оила ва аёллар бўйича комиссияси Республика соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими вазирликлари, хотин-қизлар кўмитаси, оила илмий амалий марказлари ва турли нодавлат ташкилотларнинг эзгу мақсади оналик ва болаликни муҳофаза қилишдан иборат.

ЮНИСЕФнинг маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-хунар техник таълимга сарфланаётган давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори экан.

Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар натижасида болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаларга гамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси анча яхшиланди.

Ҳар бир муаммога комплекс ёндашув, кенг жамоатчиликнинг ушшоқлик билан изчил киришиши натижасида ЮНИСЕФ ўтазган тадқиқотлардаги кўрсаткичлар юртимизнинг нуфузини янада оширганлиги табиий.

Демак, юртимиздаги туғилган ҳар бир гўдакнинг соғ туғилиши халқимиз келажагининг Соғлом бўлишини таъминлайди.

Ўз муҳбиримиз

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан



биринчи ўринни олиб “Нодирабегим” мукофотиغا сазовор бўлган экансиз. Айтинчи, йиллар давомида энг кўп китоб муголаа қилган миждоизингиз ким бўлган?

- Фаолиятим давомида жуда кўп китобсевар инсонлар билан юзма-юз бўлдим. Бугунги кунда нафақат менинг, балки С.Кассировлик ҳар бир қишлоқдошимизнинг фахр-ифтихорига айланган инсон Сирождиддин Сайид энг кўп муголаа қиладиган миждоизингиз эди. У мен ишлаган кутубхонадаги 7271 та китобни ўқиб чиққан, десам муболаға қилмаган бўлман. Баъзида Сирождиддин китобни эрталаб олиб, кетиб кечқурун олиб келарди. Шунда мен уни синаш учун китобнинг у ер бу еридан саволлар бериб кўрардим. У саволларимга ҳозиржавоблик билан жавоб бериб, янги китобни олиб кетарди. Хуллас, менинг фикримча инсон ўқиса, изланса, ўз устида кўпроқ ишла-

шунинг учун ҳам биз уни ардоқлаб она ер, деймиз-да. Баъзи одамлар бугун ерни писанд қилмай ишсизликдан нолиб қолишади. Агар ер қадрланса, эъзозланса у албатта соҳибини сийлайди. Уни кўкларга кўтарди. Бугун менинг бригадамда 130 та аъзо бўлиб, 570 киши фаолият кўрсатапти. Улар билан бир оила фарзандларидек бўлиб кетганмиз.

- Тўрт нафар фарзандингизни уйли-жоили қилибсиз. Қайнонаси. Кудачлик-минг йилчилик, дейилган. Қайноналарга айтар гапларингиз?..

- Эгачим ва мен 6 та ўғил уйлантириб, 5 та қиз чиқарганмиз. Мен келин бўлиб тушган хонадонда турмуш ўртоғимдан бошқа 7 нафар, 5 ўғил, 2 қиз фарзандлар бор эди. Раҳматли қайнонам ва қайнотам уларни менга ва хўжайинимга қолдириб бир йил ичида ҳар иккала-

Мисқола опа туманимизнинг фахри. У киши ширкатдаги 65 гектар ерга бригадирлик қилиб, пахта экиб юрт олдида юзи ёруғ бўлаётган моҳир пахтакор.

- Миллатнинг фахри аёл, миллатнинг бахти аёл, - дегим келади. Мисқола опа, келинг, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз...

- Ҳрим аср остонасидаман. Топган бойлигим 5 нафар фарзандларим ва 10 нафар набираларим. Тўнғич қизим Муқаддамхон ўқитувчи, ўртанча қизим Дилфуза ҳамшира, кенжа қизим Ферузахон менинг

САВОҚТ БЎЛМОҚ, САОДАТИ

йўлимдан юриб кутубхоначилик касбини танлади. Ҳар учала қизимни ҳам турмушга узатганман. Катта ўғлим Соибжон оилали, у ҳам ўқитувчи, энг кенжа фарзандим Самаржоним ҳам ўқитувчи. Турмуш ўртоғим Қурбонали Нарзиев ширкатда кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Нимаки орзу қилган бўлсам ниятларимга аста-секин эришяпман, сеvimли оилам бор.

- Сиз марказлашган кутубхоналар тизимининг 32-филиалида 33 йил фаолият кўрсатибсиз. Хизмат фаолиятингиз давомида “Энг намунали кутубхоначи” кўрик-танловининг вилоят босқичида 3 мартаб

са албатта унга толе ёр бўлади.

- Тадбиркорлик ва аёл тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида нима дейсиз?..

- Бугун мамлакатимизда тадбиркор, кўли гул ишбилармон аёллар кўллаб-қувватланаяпти. 2000-йил С.Кассиров номли ширкат хўжалиги бошқарувчи раиси Искандар Кассиров шу ширкатдаги Охунбобоёв номли қишлоқ худудидидаги 65 гектар ерга бригадирлик қилишимга ишонч билдиришди. Бу йил ҳам кўриб турганингиз каби режани бажариб қўйдик. Далаларда ҳали пахта мўл. Мавсум туагунча 170-180 фоизга етказиш ниятимиз бор.

Излаган имкон топар, дейишадди. Қолаверса ер ҳам тирик жон,

нукаларимни оқ ювиб, оқ тараб ўқитдик, уйли-жоили қилдик. Қайноналарга айтар гағим шуки, келинларини қиз ўрнида, куёвларини ўғил ўрнида кўрсалар, меҳр-қоибатга, иззат-ҳурматга албатта эришадилар. Энг муҳими, қайноналар суюкли бўла олишга эришсалар бўлгани. Менимча, ҳар қандай аёлнинг бемисл, бетақорор, ҳатто илохий даражадаги вазифаси ҳам биринчи навбатда суюкли бўла билишидир.

- Сиз ва сиз каби суюкли ҳамда муқаррам аёлларимизга бахт тилайман.

Райхона РАҲИМОВА
Сурхондарё вилояти

КўНГИЛЛИ УЧРАШУВЛАР

Олтин кузнинг шукуҳли кунларида Республика журналист аёллар клуби раиси Мухтабар Каримова бошчилигидаги бир гуруҳ республикада аёллар бош бўлган газета ва журналлар редакторлари Фаргона, Андижон вилоятлари аҳолиси билан иждоий учрашувлар ўтказилди.

Республикада хизмат кўрсатган журналист, таниқли адиба, “Оила ва жамият” газетасининг бош муҳаррири Дилбар Саидова, “Автохамроҳ” журналининг бош муҳаррири Кумрихон Каримова, “Санаи” журналининг бош муҳаррири Муборакхон Туропова, Ўзбек тили ва адабиёти таълими журнали бош редактори Раъно Толипова, бошланғич таълим журнали бош редактори Зухраҳон Шокирова, Фаргона ва Андижон вилоятидаги университет, институтларда таълим олаётган талабалар билан учрашдилар.

Вилоятлар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги муаллимлар музолирида бўлишди. Газета-журналлар редакторлари ўзларининг иждоий режалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, иждоқорлар Марғилондаги “Турон” шойи бирлашмасида аёллар билан дилдан суҳбат қурдилар. Куй, қўшиқлар янграб, рақсларга тушдилар.

Дарҳақиқат, газета-журналлар саҳифалари орқали учрашув бошқа-ю, кўз-кўзга тушиб, кўнгилик-кўнгилик тутатиб дийдорлашган бошқача-да.

Анжойил учрашувлар давомида фарғоналик ва андижонлик мухлислар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил, атрафлича жавоб олдилар.

КАТТА МАСЪУЛИЯТ ОЛДИДАН

Шу йилнинг 22 октябр кунин Олий Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси билан Матбуот ва ахборот кўмитасининг республика оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение вакиллари иштирокидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси У.Ҳошимов олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис Кенгашининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ўғрисида” қабул қилган қарорини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳамда мазкур сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари юзасидан Олий мажлис кўмитаси раиси Акмал Саидов нутқ сўзлади. Айниқса, ушбу Қарорнинг иккинчи бандида баён этилган тавсияларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашишлари, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёрганликнинг боришини ва сайловни кенг ёритишлари муҳимлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда Обод маҳалла йилида ўтадиган бу тадбирга катта масъулият билан ёндошиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

АЁЛ ВА ФУТБОЛ

Аслида аёл зотининг жамиятдаги ролини демократик кўз билан баҳолайдиган одамман. Аммо шу кунларда Америка Қўшма Штатларида ўтаётган футбол бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпионати турнирларини кузата туриб, беихтиёр: “Оббо, буниси ҳечам тўғри келмас экан!”, - деб юбордим. Ўзингиз ўйлаб кўринг: узунаси тўқсон, эни қирқ беш метрдан иборат майдонни тез югуриб айланиб чиққан эркак спортчи ҳам бир пасда ҳаллослаб қолади, пешонасида резане терлаери отилиб чиқади. Эркак-

поляк штангачи қизлари голиб бўлишди. Оғир штангани кўтаришда уларнинг зўриқиши, чинкириб юборишларини бир кўрсангиз эди!... Улар орасида хушрўйгина қизлар ҳам бор. Аммо аксариятининг турқи таровати полвон эркакларга хос мускулдор, қўпол, юз ва сочларига зеб беришда ҳам паҳлавонларга хос йўл тутилган...

Футболчи аёлларнинг ҳам ҳадеб зўриқаверганидан кўзлари киртайиб, юзларига ажин тушганини кўрасиз.

Ёки аёллар боксини олинг. Мушти билан рақибини уриб ағдараётган, юзи, бурни, қанчаларини қонга белаб рингдан чиқариб юборилаётган Лайло Алини шу ҳаракатлари учун севиб қоладиган бирор эркак зоти топилармикан? Пайғамбаримиз ҳам ҳадисларида эркакларни ҳар қандай айб иш қилганда ҳам хотиннинг юзига уришдан қайтарганлари ёзилган. Бу эса аёлнинг асли жанговар юмушлар учун яратилмаганини аңглатади.

Спортнинг волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, теннис каби турлари мавжудки, бунда хотин-қизлар хатти-ҳаракатида чаққонлик талаб этилгани учунми, қўполлик эзилмайди. Хатто ярашади ҳам.

Лекин мен такрор айтаманки, бокс, штанга билан бир қаторда футбол ҳам аёлларнинг ўйини эмас. Албатта, бир фикр айтувчи сифатида менинг мазкур гапларим ҳеч қаерда инobatга олинмаслиги мумкин. Бироқ, аёл кишининг назокати, хусни-тароватини бу спорт турлари бузиб тургани рост.

Дарҳақиқат, оғир жисмоний меҳнат аёл хуснини, қаддини бузгандек, бокс, оғир атлетика, футбол уни кўпроқ бузиши турган гап. Яхшиямки, бу спорт турларига берилиб кетмаяпти қизларимиз. Ахир, ширинларини фарзандларни бағрида эркалатиб ўтиргувчи она, меҳнаткаш эрининг содиқ ёри бўлган шарқ аёли билан тўп ортидан ҳаллослаб югураётган, пишқириб рақибига мушт ўқталаётган ёки штанга ёнига мускул ўйнатиб, оёқ кериб келаётган “полвон” хотинини бир таққосланг... Жамиятимизда, спортда ҳам аёлларимизнинг орасида эни кўп бўлиб кетган қизларимиз. Шунингдек, спортда ҳам аёлларимизнинг орасида эни кўп бўлиб кетган қизларимиз. Шунингдек, спортда ҳам аёлларимизнинг орасида эни кўп бўлиб кетган қизларимиз.

Шу ўринда аёлга ярашмайдиган яна баъзи спорт турлари ҳақида мулоҳаза айтсам. Кўклам пайти эди, Туркияда аёл штангачилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Турли вазнларда турк, корейс, украин, рус,

Мухайё ҚУРБОНОВА

ФИКР

ларники билан баравар катталиқдаги майдонда, тагин денг, худди эркакларники сингари тўқсон минут тўп суриш аёлга ҳеч тўғри келмас экан. Тўпни узоққа аниқ ошириш, рўпарадаги рақибини алдаб ўтиш маҳоратига ихтиёрсиз қойил қоласиз. Лекин тўпни эгаллаб узоққа олиб бориш, узоқдаги тўпга тез югуриб етиб олиш масаласида ҳар қандай манаман деган аёлнинг ҳам ожизлиги сезилиб қолаяпти. Айниқса, беҳосдан бир-бирларига тўқнашиб кетганларида узоқ етиб қолишади ёки осонгина жароҳат олишади. Тез чарчаб қолганлари боис бир-бирларининг футболкаларидан тортиб тўхташиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Тагин ҳар қандай кучли жамолар учрашсаларда, тўп шу даражада майдон ташқарисига кўп чиқиб кетаверадими, ҳеч иккиланмай бу асл эркакларнинг ўйини эканига иқрор бўласан. Чунки, ҳар қандай спорт тури аслида санъатдир. Спортга, айнан футболга ишқибозлигим сабаб яқинда телевидениеда Англиянинг икки кучли жамоасининг учрашувини томоша қилдим. Ишонасизми, “Манчестр-Юнайтед” ҳамда “Бирмингҳэм” жамоалари ўйинида коптос тўқсон дақиқа давомида ўн мартадан кўп ташқарига беҳуда чиқиб кетгани йўқ. Футболчиларнинг гол уриш вазиятини ниҳоятда тезлик, чапдэстлик ҳамда санъаткорона яратишини кўриб қойил қоласан. Ўйиннинг ҳар сониясини эътиборсиз кузатолмайсан. Эҳ-ҳе, бундай маҳорат, тезкорлик қошида аёл зоти нари тураверсин.

ҚИЗ БОЛА ДАДАСИГА ЎХШАСА

Зарифа Эрашова



БАХТЛИ БЎЛАРКАН...



Дадам раҳматли табиатан ўта меҳнатқаш, ориятли, ишонувчан, яхшилик қилишни яхши кўрадиган ҳалол инсон эдилар. Нихоятда нозик дидли уста бўлганликлари учун кўплар дадамга иморат солдиришга ҳаракат қилишарди. Давлат ишидан унчалик ортолмасалар ҳам дадам "бир юртининг одамимиз, кўлимдан кела туриб ёрдам бермасам уят бўлади" деб озгина бўш вақтларидан воз кечардилар. Қаро терга ботиб пойдевор кўтарганларини, гоҳ гишт териб, гоҳ синч қоққанларини, пастки лабларини қаттиқ қимтиганича завқ билан чиройли эшик-деразалар ясаганларини кўп кузатганман. Баъзан ўзимиз ҳам унга кўмаклашардик. Дадам ҳеч кимни беҳуда ранжитмасдилар, бироқ кимдир дилларига ноҳақ озор бериб қўйса, эсларидан чиқаролмай кийналардилар.

Агар қиз боланинг кўриниши отасига ўхшаса бахтли бўлади, деган гап юради. Мен нафақат ташқи жиҳатдан, балки табиатимдаги айрим ҳислатларим билан ҳам дадамга жуда ўхшайман. Ва бунинг учун тақдиримдан миннатдорман. Чунки менинг ҳам қисматим эзгулик. Мен яхшилик қилишни яхши кўраман. Бундан завқланаман. Шукр, ҳаётда кўп мақсадларимга эришдим, улкан журналистлар, машҳур адиблар билан ёнма-ён ишладим. Зулфия опалар, Абдулла акалар каби буюк истеъодлар бор бўлган катта карвонга қўшилиш илинжида сезилиб-сезилимай ижод қилаяпман. Азиз мухлис! Сизга илинаётганим - қалбим суврати чизилган машқларим сизнинг-да кўнглингизда эзгу туйғулар уйғота олса, демак мен чиндан ҳам бахтлиман...



ЎФИЛЛАРИМГА...

(Боши ўтган сонларда)

90. Ўғлим, ёввойи келганди пул - боши қил туйи - гумба! Олиб келмай, меҳнатингдан келгани ҳам қўшиб олиб кетади. Кам, кам - хўр - доим хўр, ишинг бўлар - зўр ҳам дема! Хатодир, ул ҳам! - Ховлиқиб еб - зўр, оқибати - хўр, тагин - кўр бўлмоқ кимга керак, ўғлим!

91. Ўғлим, мен билиб-билмай кўп хатоликларга йўл қўйдим, чамамада. Бу хатоликларим ўзимга аён, халқимга ҳам. Гарчанд, қаламим боис, ёмон отликқа чиқсам-да, муаллимликдан бўшатолмасликларини, дипломимни ололмасликларини билардим. Бу менинг қонимга, сўт билан кирган ҳақгўйлик маънавий дунём бебошлигим эди. Эҳтимол, ёшлигим ҳам, шаксиз бўлган бебошлик ҳам қилгандирман. Домламнинг айтганини қилиб, ҳақгўйлик йўлида, баъзида қилганини қилиб-қилмай ношудлик қилгандирман. Бунинг учун устозларимдан, элимдан кечирим сўрайман. Мақтабдаги ишимнинг қўлдан ортада эмаслиги, билимим билан бардошимга сўянганим, юқорилар билан юзма-юз беллашишга даъват этганди. На чора, ўғлим, осмон йироқ - ер қаттиқлик қилди. Ўз-ўзимга ва халқимга ишониб яшадим, яшяпман. Шукр, кам эмасман, сен ҳам кам бўлма!

Тарбия соати

92. Ўғлим, беш панжанг бир эмас, пасту пеш. Вафодорлари кўпчилиги эканлигини ёдингдан чиқарма! Раҳбарларнинг ҳам одими, оқими, халқларварлари борлигига ишон...

...Мақтаб раҳбарчасига ўтаётганимда, Қизилтепа туманида ҳақиқий халқларвар, дилқаш инсон - Нусрат Ҳикматовнинг суҳбатларида бўлдим. Суҳбат давомида инсонийлик меҳрим, журъатим, кўзимни тагин очди... Таржимай ҳолимни бундан 3-4 кун аввал ўрганиб чиққан Нусрат ака Ҳикматов, мен билан қўлтиқлашар эканлар, самимий дедилар: "Эргаш-жон ука, сиз яхши тарбия олган инсоннинг ўғли экансиз! Отангиз Сафоев, аввал раис, қарийб 45 йил солиқ идораларида ишлаган хотираси бой, одамларвар, аҳил инсон ўтган эканлар. Ўзбекиликда - от ўрнини - той босар, - деган ақидада ишонаман... Ишончимни оқлай оласиз, деган умиддаман". Отанинг вафотларида беш йил тўлган бўлса ҳамки, ўринлари, ишлари барҳаётлигидан яхшилик ерда қолмай, одамлар орасида юксаклигидан ич-ичимдан миннатдор бўлиб ички овозда унсиз йиғладим. Ёшлигимда эшитиб юрган: "Отанг билан аканг ўтирган уйнинг томига чиқма!" - деган иборанинг нақадар боқийлигини мушохада этдим. Жамоянинг 60 нафарга яқин муаллим ва муаллималар, 900га яқинлашиб қолган ўқувчилар жамоясининг ҳаёти тақдирини оқлашажамини ўйладим. Отам ўғли бўлиб қолиш масъулияти янада ошди, ўғлим! Ўртбошимиз уқтирганларидек: озода ва мустақил Ватанга муносиб бўлайлик! Сен ҳам отонангга, Ватанга, элга муносиб бўлиб яша, ўғлим!

(Давоми бор)

Эргаш АТОВЕВ

Навоий вилояти
Қизилтепа тумани
Тошрабат ш./х.

БУ ТОҒ

Ўйладимки, бу Тоғ-бегард,
Йиқилмаган, чўкмаган!
Дўстни ёвдан асраган мард-
Кўйнидан тош тўкмаган!

Билмабман-а, лочин эмас
Бунда кузгун учар хуш.
Каламушлар ҳеч тинч ётмас,
Бу тоғларнинг таги бўш!

Қорли қоя, виқорли тоғ-
Ўхшаб эди дўстимга.
Паноҳ истаб сўяндим, воя,
Қулаб кетди устимга...

БИР СЎЗ

Ёлғон!
Бағримни тош деганинг ёлғон,
Отгил. Мингта тошни эритай.
Осмонида нозланиб ётган
Ўн тўрт кунлик ойни қаритай.
Ёлғон!
Тилимни гунг деганинг ёлғон,
Кўрсат, қайси қушни тиндирай!
Бир сўз бўлай булбул билмаган-
Кипригинга шабнам индирай.
Қошингда тиз чўкмадим. Бу-рост.
Илға тизма гуноҳларимни.
Кўзингни оч, дилингни уйғот,
Кел, кўр менинг нигоҳларимни!..

МУҲАББАТ...

Муҳаббат...
Бошимда бир осмон, тунд боқар,
Булутлар айланар бетиним.
Қор ёғар, тош ёғар, кўз ёш оқар-
Ишқ фаслин гулбахор дейди ким?!

Муҳаббат...
Кет дедим, кетмасанг бўлмайди.
Шусиз ҳам бу юрак минг тилим.
Бу йўл-жар! Дил ўжар, кўнмайди-
Кўнгилни беқарор дейди ким?!

Муҳаббат...
Бир тола сочми дил, куйдирдинг,
Бир тақдир келди жим, кудди жим.
Бир гулни бир тошга суйдирдинг-
Кимларни кимга зор дейди ким?!

Муҳаббат...
Айт, жонинг қаерда, мен кўрай,
Хун тилар телбавор бу дилим.
Бағримга босиб-а, ўлдирай!..
Телбани гуноҳкор дейди ким?!

Муҳаббат...

КУТИШ

Тун билдирмай кирар хонамга,
Тун дардимни сугуриб олар.
Кўзларимда қотар илтижо-
Тушларим ҳам Сен деб уйғонар!

Ана, кўкда ой сузар ҳоргин
Кенг уйига сигмаган қиздай,
Сирин айтса - юлдузлар сотқин,
Бошин қўйса-булутлар муздай...

Кипригимда бир томчи шабнам-
Тегирмоннинг тошидай оғир.
Кўзни юдим... лабимда талх нам,
Йўқ, жон эмас соғинчим оғир!

Таранг тордай титрамиш гирён
Кўксимдаги нолаваш кумрим.
О, тонгача чиқмасайди жон,
То тонгача етсайди умрим.

Тун макрига учган дайди ел
Изим пойлар-синар бардошим.
Айт, бу Осмон меники дегил,
Мени тунга берма, Кўёшим...

ЁЛҒИЗ АЁЛ

Дунёнинг дарди кўп, даволари кам,
Дунёнинг гарди кўп, гиёлари кам,
Тун устима тундир, зиёлари кам,
Гар чирогинг йўқдир, йўл тутма аёл,
Аҳли нокаслардан нур кутма, аёл!

Сен учун чиқмагай ҳамиша кўёш,
Бошингдан ёққандир гоҳёмғир, гоҳтош.
Бир кўзингда кулгу, бир кўзингда ёш,
Ҳар кимдан вафолиг излама, аёл,
Дардингни бедардга сўзлама, аёл!

Бу олам фаслида фасли мезонсан,
Қалби уммонсан-у, қадри арзонсан,
Еллар тортиқлаган барги хақонсан,
Гар боғинг бўлмаса, тўкилма аёл,
Бандинг чок-чокидан сўжилма, аёл!

Бир маҳкам сўз йўқдир Сўзингдан бошқа,
Ким зиё тутгайдир Кўзингдан бошқа,
Сени ким сўяйди Ўзингдан бошқа,
Гар тоғинг бўлмаса, йиқилма, аёл,
Миннати тоғларга тикилма, аёл!

Оғирдир яримта дил билан яшаш,
Бу чарҳда жабр мўл, меҳрлар талаш,
Қайга ҳам етардинг, айт ахир якшаш,
Сен бори гаплардан устун бўл, аёл,
Яримта дил бўлма, бутун бўл, аёл!

ХАВОТИРЛИ КУНЛАРДА

Айтгил, қачон Осмонидан Кўёш кечгайдир,
Қайда жуфтин йўқотган қуш балеңд учгайдир,
Битта тоши кулаб тушса тоғ ҳам кучгайдир,
Кел, бир марта ўтинчимга кулоқ, сол, дунё,
Дард кўз тиккан шу Аёлни асраб қол, дунё!

Бахтдан мағрур бошин ногоҳ ғамлар силади,
Айни гуллаш чоғи эди - қорлар элади.
Худо дедик, ҳали гўзал кунлар келади-
Бир алпомиш дард йўлида тоқдай паноҳдир,
О, шундайин ёри борлар ўлса гуноҳдир!

Гарчи оғир синовларин бас қилмас тақдир,
"Умид билан яша" деган яратган ҳақдир,
Уч пахлавон йиқилмоққа кўярми ахир-
Оҳ уларнинг юрагига орзу бир ҳажон,
Бу қувончни ҳеч кимсага берма, опагон!

Умр-йўлдир, нур изладик, асло гард эмас,
Бахт изладик, тахт изладик, аммо дард эмас,
Бир аёлга кучи етса Дунё мард эмас,
Опа, сенинг исминг Сабр, қайга шошарсан,
Қараб тургил, энг камида юз йил яшарсан!

ЭЙ, ДИЛ...

Эй, дил,
Магар қувончинг оз кўхна очунда-
Ғамда ҳам хижмат бор, ўзингни сина.
Судралиб яшама юз йил заминда
Сен Ҳақдан юз йилнинг қадрини тила!

Ногоҳ зулм етса тоза тилакка
Кўксингда мунгайган ғурурни уйғот.
Яримта ой бўлиб чиқма фалакка
Сен уфқнинг қаърига кўёш бўлиб бот!

Эй дил, агар ёринг хиёнатқордир-
Тоғдан бардош сўра, сабрдан-имдод.
Сўнг ўзни Оллоҳнинг ҳаёлига бер,
Сўнг ўзни Оллоҳнинг кучоғига от...

ОТАМ АЙТГАН ЭДИ...

Шунақа,
Бегонани кўрса қайтармас-қогмас,
Эгаси чорласа суйқалиб чопмас,
Урсанг, остонагда узалиб ётмас,
Бирров етакласанг келаверган ит...

Нафс қайғусидан зўр не қайғу бор,
Қайда уяси хор, эгаси бедор,
Ай-й, сендан бор-йўғи сўяк умидвор,
Бирров етакласанг келаварган ит!

Шунақа...
Тошкент вилояти

ЎТМИШДА ЯХШИ ГАПЛАР

ҚОЛГАНВА ЭРИ...

Бировнинг рўзгорини "Қоронғу фор", дейишади. Эҳтимол, Чирчиқлик Сайрам холининг оиласида ҳам унинг кекса қалбини изтиробга солган воқеа содир бўлгандир. 78 ёшли кампирни кўчага чиқарган ташвиш нима экан?

- Бир умр заводда оғир меҳнат қилдим. Беваликда беш боламни вояга етказдим. Тиззамгача сувга ботиб банк ювардим. Енгил цехда ишласам ҳам бўларди. Аммо, уч-тўрт сўм пули кўпроқ бўлгани учун шу ёрни маъқул кўргандим. Чунки, ёлғиз бошим билан бешта боланинг иссиқ-совуғига қарашим, уларни еб-ичиришим, кийинтиришим керак эди. Икки сменалаб ишлардим. Фарзандларимнинг ҳаммаси ўғил, қизим бўлганда ҳам қиналмасдим. Уйга келиб бироз ухлаш ўрнига кир ювар, нон ёпар, овқат пиширардим. Кейин ажана ишга отланардим. Болаларимни ана шундай боқиб, ўстириб, вояга етказдим. Уларнинг ҳар бирини катта тўй қилиб ҳеч қимдан кам қилмасдан уйлантирдим. Шўкр, набиралар кўрдим. Инсон ўзи ўстирган болаларидан ҳам кўпроқ набираларга меҳр қўяркан. Мен ҳам набираларимни жонимдан ортиқ кўрардим. Уларни биров чертгудек бўлса бориб уриб ҳам келардим. Катта ўғлим билан кўшни бўлиб яшаганимиз учун бош набирам кўпича меникида юрарди. Бир куни дўконга чиқдим. Қарасам беш-олтита катта болалар ҳалиги набиранинг ўртага олиб сувга буктириб уришапти. Жон ҳолатда бориб уларнинг бирини уёққа, бирини буюёққа улоқтириб юбордим.

Кейинчалик уни уйимиз яқинидаги қаратечилар мактабига олиб бордим. Ҳеч бўлмаса ўзини-ўзи химоя қилиб юради-ку, - деб ўйладим-да. У мактабни битиргач Тошкентда ўқиди.

Уша набирам ҳозир Тошкентдаги масъул идоралардан бирида ишлайди. Ҳамама ҳавас қиладиган йигит бўлган. Бирок, ана шу набиранинг уйланиши боис барча дилхиралликлар бошланди... У яқинда уйланди. Бахтли бўлсин, илоҳ. Лекин гап набирамда ҳам эмас...

- Нега энди уни ҳамма ташвишларингизнинг сабабчиси, - деб ўйлаясиз?

- Чунки, ҳамма гап шу набиранинг тўйи арафасида бошланди. Бир куни ўғлим-ниги бордим. Қизи кир ювапти. Лекин уйда ундан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Ундан:

- Уйдагилар қани?- деб сўрадим.

- Бозорга кетишди, - деди. Кейин эшитсам ўғлим билан келиним ўша куни совчиликка боришибди. Бекни уйлантирмоқчи бўлишибди. Бу ҳақда мен бошқалардан эшитдим. Орадан бироз вақт ўтгач эрталаб уйда ўтиргандим. Қиз набирам келиб мени чақирди.

- Буви, бориб фотиҳа бериб келар экансиз, - деди.

Оёқларим оғрийдиган бўлиб қолгани учун ўғлимниги келсам:

- Буви, сиз кечикдингиз. Фотиҳани бошқа одам қилди. Аллақачон кетиб бўлишди, - деди.

Қарасам ховлига столлар келтирилган. Ҳовли текисланган. Тўй бўлаётгандек.

- Ота-онанг қаерга кетишди, - дедим. Қуданикига тўй олиб кетишди. Эртага келин келадими, - деди набирам.

- Таваба, бугун фотиҳа оши берилган бўлса эртага тўй экан-да, - дедим.

- Ойим тўйга эрталаб сизни ҳам айтиб келди-ку, - деди у.

Мен хангу-манг бўлиб қолдим. Нахотки ўзим ҳеч қимга ишонмасдан катта қилган суюқли набиранинг тўйига эл қатори тақлиф қилинган бўлсам? Афсуски шундай экан. Титрай бошлаган вужудимни аранг судраб уйга етиб келдим, ўзимни сўрига ташладим.

- Эртасига тўй бўлдимми?

- Ҳа, тўй бўлганда ҳам данғиллаган тўй бўлди.

- Сиз чикдингизми?

- Нега энди чиқар эканман? Энасам қотиб чиқмадим. Менинг келиним маҳалладаги кўшнлар қатори айтиб кетса ҳам чиқишим керакми? Хафа бўлганимни билгандир.


- Бундан қариндош-уруғлар ва кўшнларингиз ҳайрон бўлишмадими?

- Аввалига улар мени касал деб ўйлашди. Лекин, ёлғиз йўғлаб ўтирганимни

ман. Чунки, битта боламдан айрилганман. Қолган тўрт нафар болаларимга фақат яхшилик тилайман. Айтгандек... Бундан кўп йиллар аввал бир воқеа бўлганди. Тўрт болам ҳали жуда ёшли-ғида бир эрак билан гаплашгандим. У келиб эраклар қилиши керак бўлган ишларимга ёрдамлашарди. Бу эса

менга харна, мадад бўларди. Хуллас, ана шу кишидан бир ўғил кўрганман. Агар шу сабаб бўлмаса... Буни билган ундок деган, билмаган бундоқ деганди-да ўша пайтларда. Чунки унинг оиласи, болалари бор эди. Эшитишимча набирани келиним ўша эракнинг набираси экан! Ахир орадан шунча йил ўтди, биз ҳам қаридик. Нахотки ўтмишда қолган гап-сўзларини деб... Мени тўйга аралаштиришларини бўлса? У дунё, бу дунё берган оқ сўтимга рози эмасман. Оқ қилдим бундай нобакорини... Уни шунча тўхтатишга, қарғишини тўхтатишга уринсам ҳам бўлмади. Аламзада она қўлларини тескари фотиҳага очди...

Мен аввалига ўз онасини сабабсиз тўйга айтмаган ўғилдан нафратлана бошлагандим. Аммо, суҳбатимиз сўнггида айманибгина айтилган икки оғиз сўз фикримни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу хато, ўша пайтда изтиробда қолган аёлни кўз ёшлари Сайрам холага қайтганига ишондим. Яна шунга ишондимки ҳар биримизнинг қачондир қилган гуноҳларимиз йиллар орасида қолиб кетмас экан. Агар қайтар дунё деганлари рост бўлмаса, ўттиз йиллар аввалиги гуноҳ учун ўғил онадан юз бермас, она ҳам бундай қажмасмасди. Қўлларини тескари дуога очган онанинг фарзандига бир гап бўлса барбир юқди, юрагидан қон оқади. Уёли қудаларининг талаби билан онасини четга чиқаришни нотўғри. Беваликнинг оғир тошини тортиб фарзанд ўстирган аёлга бўлган бундай муносабатдан қўнглим оғриди. Ахир беайб парвардигор. Балки, ўтган ишларни унутиб, энди набиралар учун ярашиш, кечиримли бўлиш керакми? Катталарнинг бундай интиқомлари сабаб икки ёшнинг гулдек оиласи бузилиб кетса-чи? Сизнингча, бу воқеада қандай йўл тутган маъқул эди?



кўришган хайратда қолишди. Кейин тўйга бирров-бирров кириб чиқишиб, чиқиб мен билан ўтиришди. Деворнинг бу томонида мен йўғлардим, уёқда эса келин-кўёв, унинг ота-онаси шаънига айтилаётган мактовлар қулғим тағида жаранглаб эшитиларди. Тун бўйи ухлай олмадим. Ахир нима учун келиннинг бувиси тўйга бош бўлса... Тавозе билан ўғлимниги келса-ю, мен, қуданинг онасини бўла туриб бундай бахтга, эхтиромга лойиқ бўлмадим?

- Сайрам хола, сиздан ҳам бирор хатолик ўтмадики?

- Қайдам? Нима бўлиши ҳам мумкин? Болаларимга фақат бахт, соғлиқ тилай-

Басира САЙДАЛИЕВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Ҳозир мен суд залидан келяпман. Улар ўйлаб кўришим учун икки ой муҳлат беришди, - деди тахририятимизга кириб келган йигит.

- Суд залига боришингизга сизни нима мажбур қилди?

- Уч нафар фарзандим тақдир, алданиш, хўрланиш мажбур қилди. Шарифа менинг иккинчи хотиним. Биринчиси билан ажрашгач, янгам узоқ қариндошининг бефарзанд, турмуши бузилган кизи борлигини айтди. Ўша аёлни излаб, борсам "дом" да яшаркан. Шарифа билан гаплашиб кўрсам яхшигина муомала қилди. "Болаларингизга оналик қиламан", - деди. Унинг гапларидан хурсанд бўлдим. Биз бор йўғи икки йилгина яшадик. Бир куни маҳалламиз гўшт дўконидан харид қилаётсам ўзимдан икки ёш кичик бир кўшним: "Баҳодин ака, келин-нойимни тартибга чақириб қўйинг, кафедра кўрдим, ўзини тўтишлари жуда бежо", - деб қолди. Нега тўхмат қилаяпсан? Мени хотиним яхши аёл", - дея йигитга бир-икки "ўғил бола" гаплардан қилдим. Юрагимга гўлгула тушди. Чунки у кейинги пайтда болаларга қарамас, фақат менинг кўнглимни олиш билан банд оила, рўзгор билан иши йўқ эди. Бир куни қайнонамнигига борсам бир киши ўтирибди.

Шарифа уни "ўғай тоғам" деб таништирди. Ҳа, тоғаси бўлса тоғасидир-да, деб юрардим.

- Нахотки аёлингизни бирор марта ҳам рашк қилмаган бўлсангиз?

- Унга ўзимга ишонгандек ишонардим-да! Бир-икки сигарет чекаётганини кўриб қолгач шубҳага тушдим. Жанжал кўтардим. Ўша куни грип бўлиб иссиғим чиқаётганди. Касалхонага кетдим. Келсам хотиним онасиникига кетиб қолибди. Қизимга: "Агар хотин керак бўлса, даданг кетимдан, борсин" дебди. Тузалиб, оёққа тургач,

"эгилган бошни қилич кесмас", - дедим-у, кетидан бордим. Уйда йўқ экан. Бироздан кейин ўғай тоғаси билан кириб келди. Аламимни ичимга ютиб, уйга келдим. "Сен ҳам бошқа аёлларга ўхшаб тур, ўзингдан бирор из қолдир" дедим хиринглаб қулди. Қорним уёққа, орқам буюёққа чиқиб хунку бўлиб юришни истамайман", деган жавобни айтди-ю кутулди. У бефарзандлигидан ҳеч қачон уялмас, аксинча кўчада бола етаклаб юришдан ор қилишини так-

рорлашдан чарчамасди. Маҳалладаги эраклар орасида хотиним ҳақдаги гап-сўзлар қўлайиб кетгач шубҳага тушиб, улар кўчиб юрган маҳаллаларга бориб суриштирдим. Мен Шарифанинги иккинчи эмас, тўртинчи эри эканман. (У менга фақат бир марта турмушга чиққанман деганди). Тоғам деб юрган киши "ўйнаши" экан. Бу гапни кўпчилик таъкидлагач, бошимни деворга урдим. Нахотки, кўзим шунчалар кўр бўлса?

Нахотки

иккинчи марта ҳам рўзгорим бузилса? Одамларнинг кўзига қандай қарайман? Бу каби саволлар юрагимни кемирарди. Хуллас хотинимнинг тоғаси юрагимнинг задаси бўлиб чиқди. Уйга келиб у билан очикча-сига гаплашдим. Шу гаплар рости? - дедим. Бўйинга олмади-ю, онасиникига кетиб қолди.

- Иккинчи марта ҳам бахтдан озгингиз қуйибди. Балки биринчи аёлингиз билан ажрашмаганингиз маъқулми?

- У билан яшашнинг иложи йўқ эди. Болаларим ҳам қийналиб кетганди. Кечирасиз-у, оллоҳ болалар уйдан қайтариб олди мени хотинимга етмай қол-

ган. Уйга сарёғ олиб келиб столга қўйсам уч кунгача эриб, чаккилаб оқиб ётса ётадики, холодилликка солиб қўймайди. Дазмолда қуймаган қўйлагим, шимим қолмаган. Уй ичи ушоққа тўлиб кетгандан сакраб-сакраб юрадиган бўлиб қолганман.

- Уч нафар болаларни дунёга келтиргунча унинг феъли билмаганингизга

ишонгим келмаяпти?

- Билганман. Лекин иккита қўл-оёғи чаққон сингилчаларим бор эди. Уйдаги барча юмушларни ўзлари уддалаб, болаларимга ҳам ўзлари қарашарди. Улар турмушга чиқиб кетишгач, хотинимнинг айби очилди Уйлар молхонага, ховлилар товўқ фермасига айланди-қўйди. Уй юмушларини ўзим қилай десам, тирикчилик қолиб кетди. Охири бундай яшаш болаларимнинг ҳам кўнглига теги. Икки қизимни ўзим билан олиб қолди, кичкина ўғлимни унга бердим. Бир ойдан кейин хабар олгани борсам ўғлимни "болалар уйига" топшириб юборди. Эпполмаганимиз. Бундай иснодга чидалмадим. Ўғлимни болалар уйдан қайтариб олдим. Ҳозир ўзим билан яшаяпти.

Қизларим дастёр бўлиб қолган. Баъзан оналарини сўрашади. Уларга қандай қилиб "оналаринг хиёнаткор" деб айта оларкан.

- Ота-онам бор даянсиз, улар нима дейишди?

- Э, ҳозир ҳамма ўзини тинчини ўйлайдиган бўлиб қолган. Онамга айтсам, "сени бошқа уйлантиришга қўрқиб етмайди", - дейди. Бу ёқда уч нафар гўдақларим. Бир: "Дада мактабга ота-оналар мажлисига бораркансиз", деса, бири: "Боғча опам даданг менга учрашиб кетсин, байрамга пул йиғаяпмиз, деб айтиб юборди", - дейди. Иккинчи хотиним уйимдаги бор-баракани супуриб кетди. Ўша билан икки йил яшаган бўлсам уч марта аварияга учрадим. Уйга кирсам елкамни нимадир босиб, тургандек бўлаверардим. Ҳозир ишларим анча яхши. Уч боламни ташлаб қўйганим йўқ. Агар иккинчи хотинимдан ажрасам акам янгамни хайдаб юборарди. Уни менга янгам толганди. Яна бир оила бузилади. Ажрашмай десам, хиёнаткор аёл билан яшаш ўлимдан оғир. Доно молларимиз, кўпни кўрган ота-хотларимиз, маҳалла оқсоқоллари менга йўл қўсатишар, деб умид қиламан.

Нигора ЙҮЛДОШЕВА

ХОТИНИМНИНГ ЎҒАЙ ТОҒАСИ...

УМРИНГИЗ МЕХРГА ЙЎҒРИЛСИН

Кутлов



Инсон қай касбни танламасин у келгусида ўз меҳнатининг орқасидан одамларга хизмат қилишни, қолаверса уларнинг кунлиги эзгулик солишни ўйлайди. Тошкент шаҳрининг Қўштак маҳалласидаги зиёли оиласида дунёга келган Фотиҳ Бурхонов ўз умрини мусиқа яратишга бахшида этди. Юзлардан нур ёғилиб турган бу ажойиб инсон, устоз Фотиҳ Бурхонов билан суҳбатимиз ҳам ана шулар ҳақида кечди.

- Фотиҳ ака, нима учун айнан мусиқа соҳасига, болалар мусикасига қизиққансиз?
- Эҳтимол, бунга мен ўсиб улғайган оиладаги муҳит сабаб бўлгандир. Чунки, отам Эшонжон Ҳазрат ўз даврининг ўқимишли инсонларидан эди. Турк, араб ва форс тилларини яхши билар, мусиқадан ҳам яхши биларди. Биз эса оиламизда беш қиз, икки ўғил фарзанд эдик. Отам ҳаммамизнинг ўқишимизга, кейинчалик эса олий маълумот олишимизга катта эътибор берди. Мен эса мусикага интилардим.

- Ўз фаолиятингизни асосан мактабларда мусиқа ва эстетик тарбияни такомиллаштиришга бағишлаган экансиз...

- Катталар учун мусикалар кўп яратилган. Бунинг устига мерос мумтоз, классик мусикаларимиз ҳам кўп. Лекин, болалар мусикасига эътибор камдек туюларди-да. Шунинг учун 1972 йилда мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган. "До, ре, ми, фа, соль" ўқув дастури ишлаб чиқилди. Кейинчалик мен телевидение орқали шу курсатувни олиб бордим. Республикамизда болалар мусиқа санъатини ривожлантиришга бағишланган 40 дан ортқ макталар тайёрладим. Д.Омонуллаев, Т.Хусайновлар билан ҳамкорликда 7 синф ўқувчилари учун мусиқа дарслиги тайёрладим. Фортепиано, скрипка ва ўзбек миллий чолғу асбоблари учун 10 дан ортқ тўпламлар яратдим. Чунки, болаларнинг кўнглида мусикага қизиқиш бўлса улар гўзалликни интилишади. Мусикага кўнгли қўйган боланинг қалби эса эзгуликка мойил бўлади. Улар ҳеч қачон ёмонлик қилишмайди.

- Оила, ҳаётингиз ҳам мусикага ҳамоҳанг бўлгандир...
- Рафиқам Махбубахон, муаллима, 44 йил аҳил, бахтли яшадик. Уч нафар фарзандларимиз бор. Қизимиз Гулихон - композитор. Севара енгил санъат соҳасини танлаган. Ўғлим Фаррух эса курилиш бўйича ишлайди. 7 нафар набираларимиз бор. Мана, 70 ёшни ҳам қарши олиш насиб этди. Боболук гаштини сураямиз. Набирам Элёр Америка Қўшма Штатларидаги Индиана штатида ўқиб қайтди. Ҳозирги замон билим олишга ҳам, меҳнат қилишга ҳам кенг имконлар очиб бераёти.

- Фотиҳ ака, ўтаётган ҳар бир кунингиз гаштли, файзли ва меҳрга йўғрилган бўлсин.

Басира САЙИДАЛИЕВА

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади. Бошқа ҳудудлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

- Ўқув мuddати 2 ойлик курслар.**
- Бичиш-тиқиш (буюртма аҳолидан олади)
 - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тиқиш (буюртма аҳолидан олади)
 - Бисерлардан фойдаланиш тиқиш (буюртма аҳолидан олади)
 - Бошлангич компьютер билимлари ҳам (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш (амалиёти билан)
 - Массаж (амалиёти билан) - Сартарошлик (амалиёти билан) - Косметология (амалиёти билан) - Маникюр (амалиёти билан)
- Ўқув мuddати 3 ойлик курслар**
- Миллий кўрпа-кўрпачалар тиқиш (буюртма аҳолидан олади)
 - Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тиқиш
 - Хар хил миллий тиқиш (буюртма аҳолидан олади)
 - Ўқув мuddати 4 ойлик курслар - Бичиш тиқиш (бошловчилар учун) - Машинада гул тиқиш (вишивка) (буюртма аҳолидан олади) - Инглиз тилида Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

"Оила зийнати" Маркази қошидаги курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилди.
Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси 1-уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават 202 хона. Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН КОВУГИ БЎШ 10 Ёшдан ошган Ўғил ва қиз болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.
Бўйрак, қовуқ, простата бези касалликларини ангиқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти чоршанба, пайшанба, яқшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.
Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбekaтидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатиғача борилади. Телефон: 47-86-83. Лицензия рақами 3271

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

- 3 ойлик курслар:**
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси
- 2 ойлик курслар:**
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
 - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.**
 - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.
- Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилди. Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пиццерия» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўгин, ошқозон-ичак ҳасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма ҳасталиғида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни ангиқлай, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1. Тиқиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Хамширалар - 6 ой. 4 ойи ўқиш. 2 ойи амалиёт машғулоти ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқка тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёт билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёт билан. 6. Торт ва турли пишириллар - 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тиқиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик (машинада вишивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардулик (Бухорхона) - 3 ой.
- Ўқишни тугатганларга диплом берилди. Ўқишга қабул ҳар кун.**

Манзил: Тошкент тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. "Ўктамхон" ўқув маркази филиали Қибрай тумани, Ўққўрғон маҳалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичида.

«XOLIS - UMID» ўқув маркази қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

- Компьютер саводхонлиги: Windows 2000, MS Word, MS Excel
 - Internet, Corel Draw, Photoshop, Autocad, PageMaker
 - Компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш
 - Массаж (нуктали, умумий уқалаш)
 - Торт ва салат (олий ва оқдий)
 - Парда-чошаб (Элита каталог асосида)
 - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими
- 3-ойлик**
- Инглиз тили, видео, аудиоматериаллар ёрдамида
 - Тиқиш-бичиш (замонавий моделлар асосида)
 - Сартарошлик (амалиёт салонда)
 - Хамширалар (амалиёт билан)
- 6-ойлик**
- Акушерлик (амалиёт билан)
 - Фармацевтика (амалиёт билан)
- Манзил 1: Метронинг «Халқлар Дўстлиги» бекати 8/1 дом.
Манзил 2: Метронинг «Ойбек» бекати, Автобуслар ва йўллар институти, 1 қават. Тел: 42-76-06, 50-16-47

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани солиқ бўлимидан **Ҳамроев Дилшод Мирисломовичга** берилган "Чилонзор буюм бозори"да фойдаланиш ҳуқуқини берадиган чек ва чек дафтари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Самарқанд шаҳридаги барча қулайликларга эга бўлган (8-Март фабрикаси яқинида, 4 хонали, катта айвонли 4 сотих ери бор) ҳовли Тошкентнинг Юнусобод туманида жойлашган 2 ёки 3 хонали квартирага алмаштирилади.
тел: 133-04-50, 133-28-20

Қишлоғимизнинг номи "Шайтонқўл" бўлиб, улғайиб ақлимни танганимда, бошқа қишлоқнинг болалари жимгимга тегиб: "Шайтонқўлнинг қизи шайтон-да", - дейишарди. Орланганимданми билмайман 90 ёшли бобомдан: (Худо раҳмат қилган бўлсин) "Нега қишлоғимизнинг номи бундай", деди сурадим.

"Бунинг тарихи бор, қизим", - дея сўзлаб бердилар.

Шайтоннинг қўли

Айтишларича қишлоғимиз жойлашган ер ўрдақларни отиб бўлиб, чарчаганиданми, молларга ҳавотир олибми, тонг ёришса йиғиштириб оламиз дея кутиб турган дўстларини олдиға кетибдилар. Иккала дўст кўп ўрдақ отганларини ва ўруғда олишларини гупуриб ўртоқларига айтиб берибдилар ва өзгина мизиб туриб, гира-шира бўлганда ўлжаларни олиб келгани кечкурунги жойға боришса, на ўрдақ, на қўлдан дарак бор эмиш. Икки ошна қарақат ҳолатга тушиб нима қиларини билмай қолишибди.


Ахир ўрдақларни бирор-бир олғир олган бўлса, қўл қани, дея бир-бирларига саволомуларга қарабдилару, оталарининг айтган гаплари ёдларига тушиб тум-тарақайлаб қочишибди. Уйларига на ўлжасиз, ҳамда кечаси келмаганлари, унинг устиға ҳаллослаб бир ахволда кириб келганини кўрган ота-оналари ҳайратдан ёқа ушлаб, нима бўлганини сўраганлариде, бўлган воқеани айтиб берадилар. Шунда оталари уришиб, неча маротаба у ерга бормасликлари кераклигини, у ерда кўп бора кўл пайдо бўлиб, йўқ бўлиб қолиш ҳодисаси учраб туришини яна бир бор таъкидлаб, насихат қилибдилар. Шундан сўнг бу шайтоннинг иши, яъни "Шайтонқўл" деб аташадиган бўлишган экан. Кейинчалик ерлар ўзлаштирилиб, айни кунда ажойиб қишлоққа айланган. Қўли ҳам бор, аммо йўқолиб қолмайди, ишонаверинг!

Шахноза АБДУРАҲМОНОВА

ЎзДЖТУ халқаро журналистика

Беш кунлик давомида ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳавонинг ҳарорати кечаси 3°-8° дан 8°-13° гача иссиқ бўлади. Кундузи 15°-20° дан 20°-25° атрофида иссиқ бўлади. Республикаимизнинг шимолида кечаси 2°-7°, кундузи 16°-21° атрофида иссиқ бўлиши кутилмоқда.

«Оила ва жамият» ўғитномаси.



ОМАД ЮЗ ЎГИРСА!

Куёш нурин хирагина сочар экан, Дўстларинг ҳам сендан йироқ қочар экан, Душманларинг бор сирингни очар экан Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Куллук қилган дўст, жўралар кетар йироқ, Йўл ахтарар энди қимдан, қим нафлироқ. Ҳатто оддий "салом-алик" ҳам мушуқулоқ, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Ҳар қадамда бир муаммо, тўғаноқ кўп, Арзиманган ишларинг ҳам битмайди хўп. Сен ҳақингда гап қилишар, бўлиб тўп-тўп, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Уйингда ҳам, на ҳузур бор на ҳаловат, Ҳаёлингда минг бир алам, ўйлар бот-бот. Ич-ичингдан ўртанасан, тугаб борар сабр-тоқат, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Ўйлайсану-ўйларингни чеки йўқдир, Ҳар битта гап, гуё сенга отган ўқдир. Сенинг билан ўзгаларнинг иши йўқдир, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Тушқунликка тушма ҳечам, тетик юргин, Мададкоринг Оллоҳ-Худо шуни билгин. Душманларга сир бой бермай, қулиб тургин, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Олий ҳакам вақт дейдилар, сабр қилгин, Чин ҳақиқат синмағайдир шуни билгин. Ҳар доимо яратганға шукур қилгин, Сендан агар бир кун омад юз ўгирса.

Шербой ШЕРОВ

ДУШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

15.00 «Тухилнома», 15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача», 16.05 Эстрада тароналари, 16.20 «Агар Сиз», Ток-шоу, 16.45 «Оламга саёхат», 17.05 Рамазон тухфаси, «Икки олам сарвари», 17.25 «Нафосат гулшани», 17.45 «Дип-интервью», 18.00 ЯНГИЛИКЛАР, 18.10 «Ўзбектеlevision» студияси намойиш этади: «Заркентлик қаҳрамон», 18.30 «Таянч нуқтаси», 18.45 Марказий Осиё уйинлари якунларига доир, 19.05 «Мулкдор», 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР, 21.30 «Ахборот» (рус тилида), 20.00 Оқшом эртаклари, 20.15 Биржа ва банк хабарлари, 20.30 «Ахборот», 21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили, «Кўчлик каторида», 21.25 «Ошин», Телесериял, 22.25 «Тасанно», 22.30 «Ўзбектеlevision» студияси намойиш этади: «Такдир йўллари», Бадий фильм, 2-кисм, 23.40 «Ахборот-дайжест», 24.00-00.05 Ватан тим-соллари.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури, 18.05 «Янги авлод» поchtаси, Ёкимли иштата, 18.35 «Мультмоша», 18.50 Олтин мерос, 18.55, 21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.35 ТВ - анонс, 19.40 «Меҳр кўзда», Мақтубларга шарҳ, 20.05 Мусликий лаҳзалар, 20.10 Сув - хаёт манбани, 20.15 Ёшлар овози, 20.35 ТВ - адвокат, 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар, 20.45 «Гвадалупе», Теле-сериял, 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим, 21.50 Олтин мерос, 22.00 Давр, 22.40 ТВ-анонс, 22.45 «Ешлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол, 23.35 - 23.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби, 17.20 ТТВда сериал: «Жахонгаша Ришард», 17.55 «Хориз хабарлари» (рус), 18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси, 18.10 «Халқ саломатлиги йўлида», 18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ, 6.00 - 9.00, 17.30 Кўрсатувлар тартиби, 17.35 «Вести», 17.45 «Парле ву франсе?», 18.10 «Евроњус янгиликлари», БИРИНЧИ КАНАЛ, 18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил», Ҳажий кўрсатув, 19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини», Сериал, 20.00 «Мени кутгил», 21.00 «Время», УшТВ-IV, 21.30 «Бизнес рево», 21.35 «Хусусийлаштириш: кадам бақадам», 21.55 Ўзбектеlevision студияси намойиш этади: «Мош табиб», 22.15 «Спорт масканларида», 22.30 «Ахборот», 23.05 Кинематограф, «Мослашиш», Бадий фильм, 00.45 «Тунгиз осуда бўлсин!»

БИРИНЧИ КАНАЛ

6.00 Телеканал «Добро утро», 8.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости, 8.10 «Человек и закон», 9.05 Боевик «3000 миль до Грейланд», 11.40 Следствие ведет Колобков, 12.20 «Дорог жинчи», 13.10 Фильм «Расплата», 15.20 «Фабрика звезд-3», 15.30 «Угадай мелодию», 16.00 Сериал «Берег мечты», 17.00 «Большая стирка», 18.30 «Шутка за шуткой», 19.00 «Земля любви, земля надежды», Сериал, 20.00 Жди меня, 21.00 Время, 21.30 Премьера. «Убойная сила: Второе дно», 22.40 Криминальная Россия, «Палач», 23.10 Тварт кукол, 23.40 Искатели, «Колдун Петра Великово», 24.10 «Кинолорама Алексея Калюжа», 24.40 «Русский экстрим-1:10 Триллер «Привидения» до 00:50

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ, 6.00 - 9.00, 17.30 Кўрсатувлар тартиби, 17.35 «Вести», 17.45 «Парле ву франсе?», 18.10 «Евроњус янгиликлари», БИРИНЧИ КАНАЛ, 18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил», Ҳажий кўрсатув, 19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини», Сериал, 20.00 «Мени кутгил», 21.00 «Время», УшТВ-IV, 21.30 «Бизнес рево», 21.35 «Хусусийлаштириш: кадам бақадам», 21.55 Ўзбектеlevision студияси намойиш этади: «Мош табиб», 22.15 «Спорт масканларида», 22.30 «Ахборот», 23.05 Кинематограф, «Мослашиш», Бадий фильм, 00.45 «Тунгиз осуда бўлсин!»

У пайтлари ҳеч ким уйини ижарага бермасмиди, билмадим ҳар ҳолда зўрга жой топиб кўчадиган бўлдик. Бизни янги жойга кўчириш учун эримнинг 80 ларга кириб қолган узокроқ қариндоши Ҳайдарали ота келди. Ва ҳовлининг ўртасида курсида ўтириб нарсаларимизни юк машинасига ортишимизни кутди. Бисотимиз ҳам кўп эмас эди. Ойим берган палос, кўрпа тўшак ва ҳоказолар. Овсиним бизга қариндош-уруғлар тўйимизга атаб берган кийим шкафи, диван, ойна, кўрпа-тўшаклар ва эримнинг онасидан қолган эски гиламни кўчишимизни эшити хонамиздан олиб чиқиб кетиб беркичиб қўйганди. Биз ҳеч нарса демадик-да, у қолдирган нарсаларини йиғиштириб олдик. Кетар пайтими эрим акаси ва янгасига уйларида яшаб турганимиз учун раҳмат айтди-да:


- Янгажон, иложи бўлса онамдан қолган гиламни беринг, - деди. Бироқ дангиллама уйи, ичи тўла мол-мулк бўлса-да, овсиним шаллақиллик қила бошлади:

- Биз сизларнинг тўйларингизни қилиб бердик. Бор кетавер, сенга ҳеч қандай гилам йўқ, Тўй харажатлари учун шу нарсаларни олдим, бермайман, - деди. Эрим акасига қараган эди, акаси ерга қаради. Шу пайт бизни кузатиб турган чол овсинимга қараб ўшқирди.

- Ҳой, менга қара, тўйини сен эмас, барча қариндошлар биргаликда қилишди. Ким нима қилган бўлса, кўнглидан рози бўлиб Саиджон билан келинга берди. Ноинсофлик қилма, бор, ҳеч бўлмаса онасидан қолган гиламини олиб чиқиб бер, - деди. Лекин овсиним эшитмагандек шартта бурилиб уйига кириб кетди. Чол эса унинг орқасидан жаҳл билан:

- Ҳа, падарингга лаънат. Худо жазойингни берсин сенинг, - деди ва эримга қараб:

- Кўй, болам, хафа бўлма, йигитнинг молини ерда дейишган. Оллоҳ хоҳласа ҳали яхши кунларни албатта кўрасан. Уй-жойинг, давлатинг ҳам зиёда бўлади, -



ҳам йўқ эмас. Лекин кўнги-кўнги-да. Ҳаёлимда фақат у шу акасигагина бир пайтлар қаттиқ меҳр қўйган. Энди эса унинг йилдан-йилга ўзидан узоклашиб бораётганлигидан эзилиб юради. Ака-укалар йиллаб кўришмайди. Мана, охириги марта кўрганга ҳам тўрт йил-ларча бўлиб қолди. Ҳатто кўнгироқ қилишмайди. Эрим эса ўзини эсламаган акасини бир неча марта кўришга бориб кўнгли вайрон бўлиб келгач қайтиб бормайдиган бўлди. Айниқса охириги марта борганида уйга йиғлагудек бўлиб келди. Эшикдан чарчаб, эзилган ва хомуш ҳолда кириб келишини кўриб:

- Ҳа, дадаси, нима бўлди. Акамнинг уйдагилар соғ-омонми? - деган саволимга ҳеч нарса демади-да, ўзига пешвоз чиққан ўғлим ва қизимни маҳкам қучоқлаб турди-да, сўнг хўрсиниб:

- Ота-онам ўлганида, акам ҳам ўлиб кетибди. Бахтимга яхшиям болаларим бор экан, - деди. Иккимиз қолганимизда эса кўзига ёш олиб, акасидан ўпалаб келганлигининг сабабини айтиб берди. Унинг айтишича эрим борган кун акасининг уйда катта зиёфат берилётган экан. Эрим ҳам кечки пайт хурсандчилик билан меҳмонларни кутиб ола бошлабди. Ўзи ҳам шу шаҳарда туғилиб воёга етганидан, қолаверса бир неча йил каттагина амалда ишлагани боис келадиган меҳмонлар билан бир даврада кўп марта ўтирганлиги, барчаси таниш бўлганлигидан хурсанд бўлган.

Меҳмонларни кутиб, уларга жой кўрсатиб, чой қўйиб турса бир пайт акаси келиб қолибди ва эримга қараб:

га қайтиб келибди. Шу воқеадан сўнг эрим акасиникига, опалариникига бормайдиган бўлди. Ҳатто кўнгироқ ҳам қилмайди. Лекин доим улارни соғиниб, ичидан эзилиб юради. Унинг дардини сезиб мен ҳам эзиламан. Ўзим ҳамма қариндошларига кўнги-роқ қиламан. Байрамларда иложи бори-ча ҳаммасини телефон орқали табриқлайман. Бир сафар ўғлим билан бориб, амакилари, аммаларини кўриб келдим. Ҳар сафар телефонда гаплашсам, эримга:

- Акам сизга салом айтди, опам сизни соғинибди, - десам хўрсиниб қўйгани сезаман. Гапларимни эшитида, бироқ ҳеч нарса деб сўрамайди. Ҳатто орадаги совуқликни ҳеч йўқота олмадим. Арзимас нарсалар сабабли бир-бирларига жондан азиз бўлган инсонлар ажралиб кетишавераркан. Ахир ўйлаб қаралса амал, молу дунё инсоннинг қадр-қиммати олдида бир қаҳага ҳам арзимайди-ку. Лекин ҳаёт бошқача экан-да, ўйлаб-ўйлаб дилимдагиларни сизларга ёзишга қарор қилдим. Газетани қайноғам, овсиним, қариндошлар, эрим ҳам ўқийди. Қолаверса бизга ўхшаганлар ҳам бордир. Шундайларга қарата:

Бу дунё ўткинчи. Яқинларингиз ҳаёт вақтида уларнинг қадрига етинглар. Молу дунё, амал ҳаммадан ҳам қолиши рост. Ҳеч ким бу дунёдан буюм орқалаб кетмаган. Инсондан бир-бирига бўлган меҳру оқибат қолади. Ўлим ҳақ, дунё ўткинчи дийдор эса Ганимат, дегим келади.

Тошкент шаҳри

ЛАЙЛО

Ҳар йили соғлигимни тиклаш учун узок-узокдаги сихаттоҳларга даволанишга кетаман. Ушанда ҳам даволанишга кетаётгандим. Самолётдан тушиб, автобусга чиқдим. Автобус тор кияшқ йўларидан, тоғлар орасидан кетаяпти. Тоғларнинг тоза ҳавоси-ю, тинч сувларини, тизилиб турган уйлارни завқ билан кузатиб кетаяпман. Тоғлар бағридаги бу курортнинг номи "Обигарм" - "Иссиқ сув" экан. Ҳақиқатан салқин тоғ воҳасининг иссиқ суви ҳар қандай касалликларни эритиб юборгудек қайноқ. Бу ерга иккинчи марта келишим. Анча шифо тоганим учун, яна келаяпман. Автобуснинг ойнасидан кўзим йўлдаги "Газ-21" машинасига тушди. Орқа ўриндиқдаги эркак ёнидаги аёлнинг кўлини тиззаларига олиб, меҳр билан силаб ўтирарди. Аёлнинг кўзи менга тушиши билан бирдан кўлини тортиб олди.

Автобус тўхтади. Одамлар туша бошлади. Бояги машина ҳам сал нарига бориб тўхтади. Табиийки, булар ҳам дам олувчилар экан, деб ўйладим. Машинадан қирқ беш ёшлар чамасида келишган эркак тушди. Пешонасида ажинлар кўп бўлса-да, сочлари қоп-қора, костомига гард тегмаган, нигоҳи ўткир, ҳаракатлари чаққон эди. Хотинининг тушишига кўмаклашиб, қизларникидек нозик бармоқлари билан елкасидан тудди. Уларни кўриб: "Хотини хунук экан, ўзи каттароқ лавозимда ишласа керак", деган хулосага келдим.

Ҳамма тушган қабулхонада ўттизга яқин одам йиғилдик. Хужжатлар расмиёлаштирилаётганда у хотинининг ёнига ўтириб оғир "уф" тортиди. Бу ўтиришдан ҳар нарсага тўқис, армонсиз одамга ўлшамасди. Унинг бу ҳолати қандайдир армон, йўқотиш, ғамгинлик, афсус борлигини кўрсатиб турарди. Хотини аса анча нозиккина, қорачадан келган бўлиб, фақат кўзларигина уни безаб турарди. У эрига йо билан қараб қўйиб, қандайдир ҳайла гарқ бўлди. Бизни қайси хонага қўйишар экан, деб ўйлаб турсам: - Кетдик! - деб қолди у. Унинг кулиб туриши, меҳрибонлиги ўзи жуда ярашганда.

Эркак биз билан эргашиб 9-хонага борди. Икки кишилик хонада ҳамма нарса ярақлар топ-тоза, ёп-ёруғ, баҳаво бўлиб, балкони бор эди. Аёл эркакнинг хонасини кўргани кетди. Анча ўтирдим. Шеригим хаяллаб келди. Даҳлизга чиқсам, сал нариги хонада бир ўзи чаққонлик билан чангларни артаётти. Аста орқага қайтдим. Эрини жуда яхши кўрар эканда. Уйнаши эмасмикан? Кўнглим аллақандай бўлиб кетди. Ха... машинадаги боғи воқеа...

Хуллас, бирга даволаниб дам ола бошладик. Шеригим билан ҳар доим биргамиз. Шоназар ака хотинга: "Раҳимахон", деб мурожаат қиларди. Баҳор эмасми, салқин тоғ ҳавосида дараклар кен гуллашгани учун ҳамма жой чаман, айниқса, пуштиранг бўлиб гуллаган дараклар кўзни қувонтиради. Аллақандай кушларнинг овози бир-бирига қўйилиб ажиб кайфият ҳосил қилади. Лолани ўз қўлинг билан узиш жуда гаштли бўлар экан, айниқса баҳорда.

Биз тепаликлардан кўтариларканмиз, Шоназар ака аввал ўзи сакраб чиқар, сўнг кўлидаги таёқчасини Раҳима онага, менга узатар, эҳтиёткорлик билан чиқариб оларди.

Бир куни Шоназар ака:

ЮЛДУЗГА ТОШ ЕТМАЙДИ

Турмуш чорраҳаларида



- Опангизга айтинг, тушликка борманглар, ош олиб келаман! - деб шошиб чиқиб кетди. Раҳима она билан иккаламиз одамлар тушликдан қайтгунча гаплашиб ўтирдик.

- Акангизнинг чиройли хотинлари бор, - деди у кўзлари қандайдир порлаб. Унинг кутулмаган бу гапидан мен хайрон қолдим.

- Ҳазиллашманг! - У кулди, кейин дастурхон солиб помидор тўғрай бошлади.

- Ош келди! - деди у ғалати ҳолатда.

- Ростданми, бошқа хотини борми?

- Ҳа, бир куни менга телефон қилишиб: "Эрингиз шундай аёл билан юрди, хоҳласангиз ушлаб беришимиз мумкин", - дейишди.

- Сиз ишондингизми?

У киши тушда келганларида ҳеч гапсиз олдиларга "так" этиб овқатини қўйдим. Кейин шундай аёл билан юрак экансиз, бориб ушлайми ёки ўзиз қайтасизми? - дедим. У киши "Кечқурун келай, гаплашамиз", - деб овқатни ҳам емай чиқиб кетди. Кечгача кўриб юрдим. Ҳамма нарсадан ҳам хўрлик ёмон экан, - аста ўз ҳикоясини бошлади у. "Ишонасизми, кечалари тонггача йиғлаганимдан ёстиқларим ҳў бўлиб кетарди. У менинг берилиб тинглаганимдан қувониб секин сўзларди. Хиёнатдан ҳам оғир нарса йўқ экан, кечгача жуда қийналиб юрдим. Ҳаёлимда охириги кунимдек палов дамладим. Қийналсам ҳам майли, фақат: "Сен хунуксан, сени яхши кўрмайман", демасин, жавобимни бермасин", - деб ўйлардим. Қарама-қарши фикрлар миямни чулгарди. Тўрт болам билан қаерга бораман, бемор қайнонамни қандай ташлаб кетаман? Уша кунги ҳолат ҳеч эсимдан чиқмайди. Овқатланиб бўлгунча миқ этмади. Қайнонам, болаларимни ётқизиб чиққунимга кен бўлиб кетди. Дарров ухлаб қоладиган одам, бугун кичик чироқни ёқиб қўйиб китоб ўқиб ўтирарди. Уша вақтда бу тахлит холат асабимга тегса-да, охириги тунимдек, узун ички қўйлагимни кийдим. Сочларимни орқамга ташлаб, қўлоқларим ортига атир суртиб, аста жойимга бориб ўтирдим.

- Раҳимахон, - деди секин эрим. У кишининг кутулмаган ҳолатидан, танг қолдим.

- Пулдан камингиз йўқми? - жиддий ҳолатда сўрадилар.

- Йўқ.

- Овқатдан-чи?

Буни эшитиб, қотиб қолдим. Раҳима она уятдан дув-ва кизарди. Яна яқинроқ келиб елкаларимни силади.

- Мендан-чи?

- Кошки тушунмаган бўлсам.

Бахт ширин, - дея йиғлай бошладим.

У киши мени ўзига тортиди ва сўхбат расмий тус олди. Мен шуни истагандим. Ҳатто, бундан хафа ҳам бўлдим.

Мен уларга ишонардим...

- Сиз менинг шаръий хотинимсиз, болаларимнинг онасисиз. У сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайди, аслида. Шундай бўлиб қолди, қўчада қиладиган ишимни ўзим биланам, гапирмайси!

Бу фикрни қийналиб айтди, худди энди кечириб бўлмайдигандек. Индамасим, наҳора, эр-эр-да, гап қайтариб бўладими? Гапирмайси, - дедиларми, гапирмайман.

Раҳима она ҳикоя қилар экан, ора-сира жилмайиб қўярди. Унинг чарос кўзлари ҳар жилмайганида порлаб кетарди. Иккисини яхши танимаганим учун уларнинг сирини тинглаш мен учун қизиқ эди. Улар энг яхши ҳавас қилса арзигудек аҳил оила бўлиб қолишибди. Уларга ҳавасим келарди.

- Кўчага бир янги қўйлак кийиб чиқсам, унинг ҳам эндида кўрардим. Оёқ кийим қийсам унинг ҳам оёғида ўшанақаси бўларди. Дарвозани очсам, ҳў сочлари таралгани билиниб турган акангизни кўрардим-у, ҳеч нарсани билмаганга олардим. Кулиб гапирардим у ичим ёнарди...

Бир куни қўшним ўзи ҳамшира бўлиб ишлайдиган касалхонада ўша аёлнинг ҳомиласини жаррохлик йўли билан олиб, ўзини зўрга асраб қолганликларини айтди. Эрим борса: "Сиздан бўлган бола ўлгунча, мен ўлсам бўлмасми?" - деб уввос солиб йиғлабди.

Мен ўшанда эрталаб туриб овқат тайёрладим. Лимон, апельсин, олма, анор, нонларни чиройли қилиб янги саватга жойлаштирдим. Шоназар ака кетишларида қўлларига тутқазиб, касалхонага олиб борарсиз, - дедим. Бу киши ўта содда, самимий эди. Бировнинг яхшилигини курса ёш боладек хурсанд бўлиб кетарди. Мен чиндан ҳам ўша аёлнинг фарзандли бўлишини истагандим. Аммо у: "Овқатингизни ол-

майман, хотинингиз мени захарлаши мумкин", - деб кириб кетибди. Буни кўрган дугонам овқатларни олиб қолиб, идишини келтирганда шуларни айтиб берди. Эрим иккимизнинг бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз борган сари орта берди. Мендан ҳеч ажралгиси келмасди, нега? Мени синаяптимикан ёки у хотин билан ўришиб қолдимикан? Ҳар олти ойда ё мен, ё у билан дам олишга кетарди. Шу келишимизда қизиқ бўлди. Бу сафар у билан кетишлари керак эди. Ичимни ит тирнайди. «У билан дам олгани кетади!» деган ҳаёл тинчлик бермайди. Эрим эса тўсатдан шошилиб келди ва у ҳаяжонланган ҳолда:

- Раҳимахон, тайёрланинг, эртага дам олишга кетамиз, - деди.

- У-чи! - деб юбордим ҳаяжонланиб.

- Бу гал сиз борасиз!

Раҳима она кўзлари бир нуктага қадалиб, маъюс бўлиб қолди. Ҳаёлини бўлмай, дея мен ҳам жим ўтириб ўша аёлни кўз олдимга келтирдим. Ҳудай ёмон кўриб кетдим уни. Худойим жазо бериб, умрбод бола кўрмайдиган бўлибди. Қўриқиб кетдим: "Тавба", худонинг ўзи асраш. Ҳеч кимни шу йўлда худо асратирмасин.

- Эсингиздами, - яна гап бошлади Раҳима она.

- Келаётган кунимиз у кишининг қўлимини ушлаб келаётганини кўрган эдингиз, жилмайди у. Менга эрим бўлган воқеани айтиб берди. Йўлангани кўрсатгани борса: "Машинангизда бир аёлни кўрдим. Сиз бузқисиз", деб - тўполон кўтарибди. Қанча яхши гапирса ҳам доллаб қўшнилари йиғибди. Бу ҳам етмагандек катта гулдонни бу кишига қараб отибди.

- Раҳимахон, барибир ўзингиз яхши-сиз, ўшанда тўрт болани олиб кетсангиз, нима бўларди? Бунинг фельси кўрс, хонавайрон бўлар эканман. Ун уч йил бирор марта юзимга солмадингиз. Билардим, тунлари ёстиғингиз йиғидан ҳўл бўлиб кетарди.

Уша вақтдаги бахтиёрлик ҳисларимни ифода этолмайман. Айтиб бўлмас шодлик, масрурилик турардим. Бахтдан сархуш эдим. У энди бизни бирлаштиради. Бугун мен бахтли одамман, юрагимдаги туганмас бахтдан бахтиёрман.

Эшик тақиллаб сўхбатимиз бўлинди. Қўлида палов билан Шоназар ака кириб келди.

- Э, ўтин тополмай қийналсам бўладими? Кўп кутган бўлсанглар керак-а? Иккаламиз ярқ этиб бир-биримизга қарадик. Қўлидан лаганни олар экан Раҳима она: "Биз билан ўтира-сизми?" - деди кулимсираб.

- Йўқ, биз жўралар билан еймиз. Сизларга ёқимли иштаха, - дейиши билан Раҳима она: "Сизлар ҳам яхши ўтириглар", - деб эрини кузатиб қўйди... Раҳима она бахтга муносиб эди. У йилларо кута-кута яна суюкли бўла олганди. Унга чин дилдан ҳавас қилдим.

Кейинчалик бу ҳақда кўп ўйладим. Ҳаётнинг завқу-сурурини, азобини хижрону, гўзаллигини, густу баланд камчиликларини энгиб ўтишда бу аёлнинг сабуру матонатни бир достон эди. Мен яхшиши, кечиринчи, курашишни, энгини шу аёлдан ўргандим. У юлдузга, ҳижрон, армон тошлари отилганда ҳам етмай-диган юлдузга ўхшарди...

Сайёра НУРИТДИНОВА
(Давоми бор)

КУЗНИНГ МАЪЮС ҲАЗОНЛАРИ СИЗНИ ЭСЛАТДИ...

Бу кун сизсиз ўтган йилларим аро яна бир йил қўшилди. Ғамдан аламзада бум-бўш кунлар, сарсон ойларни бошлаб, йилларни-да қувиб ўтдилар. Ҳаётчи?! Афсус, вақт дегани бешафқат ҳакам. Ҳаётимнинг бешинчи кузи ҳам менга сизни эслатиб сизсиз ўтпти. Ҳамон ғам-андухдан эгик бу бошим сизнинг азиз гарди пойингизни излайди...

"Ойижоним Мухиддинова Машқурахон Асомиддин қизи тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Улар бугунги кунда элу юртга фойдаси тегадиган солиҳ фарзандлар бўлиб камолга етидилар. Ойижоним ўзлари эса мактабгача бўлган тарбия қисмида узок йиллар, самарали меҳнат қилиб, обрў тоғдилар. Яратганга бехисоб шукрлар бўлсин, ойижоним фақат эзгулик тисолили бўлиб яшаб, "Ҳожи она" бўлиб, боқий дунёга рихлат қилдилар. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин, қадрлари нурга тўлиб,

охиратлари обод бўлсин". Ойижон! Доим мени бир армон қийнади. Шундоқ ҳам ўқик қалбимни яна ўқсатади. Сизни орзуларингиз... Сизга ҳаммадан яқинроқ бўлганим учунми, орзу-ниятларингизни фақат менга айтардингиз. Сиз эвара кўришни орзу қилардингиз... Жуда хоҳлардингиз... Мана, у тугилди ҳам. Мен сиз орзу қилганингиздек қизлик ҳам бўлдим. Аммо сиз... Мен орзу қилганимдек, бу бахтиёр кунлар бахтидан, нурли шукуҳидан бебаҳра кетдингиз!

Мунистинам! Энг суюқлигим-у, энг буюқлигим ўзингизсиз! Армон бўзлатган, сўзсиз йиғлатган ушбу дамда сизни эслаб, сизни соғиниб, муқаддас хотиранингиз олдида доимо таъзимдаман!!!

Яқинларингиз номидан
Алломангиз.
Тошкент шахри

ХУР ҚИЗЛАРГА ҲАМРОХ БЎЛГАН СИНГЛИМ!

Шу йилнинг 5 октябрида ҳали 16га қирмаган, синглим, дўстим Севара бевақт оламдан кўз юмди. У 4 ноябрда 16 ёшга тўлган бўларди. Буни қаранг-ки уни шу йил туғилган қуни билан табриклар

"Оила ва жамият"га чиқармоқчи эдим. Афсус, энди эса унга хотира ёзганман.

Биз Севара билан қўшнигимиз, битта уйда яшаймиз. У билан болаликдан ўртоқ эдик. У онасининг ёлғизи оқу қораси эди. У ҳаётни жуда севарди, келажак ҳақида узок сўхбатлашардик. Унинг орзулари энди ушалаётганди. Ўқишга кириб, ўқийтганди. У ҳеч кимни хафа қилмасди, ҳаммадан кўнглига қарарди. Севарани маҳалламизда ҳамма танирди, айниқса узун сочларини орқасига ўриб ташлаб юрганда ҳаммадан ҳавас келарди. Бешафқат ажал уни орамиздан олиб кетди. Уни ўз синглимдек яхши кўрардим. Мактабга ҳам бирга бо-



рардик. Қўл ушлашиб бирга сайр қилардик. Биз бирга ўтган йўлларда, қўчаларда унинг излари, унинг нигоҳлари бордек, ҳар доим мен билан биргадек туюлади. Уни ҳаммамиз соғинамиз.

Севара! Ҳаётда беозор эдинг. Илоҳим Оллоҳ сени ўз раҳматига олган бўлсин. Сени доим ёдга олувчи

МАЛИКА ОПАНГ
Тошкент шаҳар
С.Рахимов тумани
Қора-сарой кўчаси

"Нимагаям унинг таклифига рози бўлдим? - ўз-ўзига савол берарди Қодир қора курсида ўтираркан. - Яқинда тўйим бўлади. Сен айбни бўйнингга олиб тур, кейин ўзим кутқариб оламан, деганига лаққа тушибман-а. Хозир берган кўрсатмасини қара, мен маст эдим. Ёнида пинак қилиб келаётганим, билмайман ҳеч нарса кўрганим йўқ, дейди-я номард. Мана сенга дўст..."

Аслида воқеа бундай бўлганди. Уйланганига бир йил ҳам бўлмаган Қодир хотини Гулнора билан кечки овқатни тановул қилаётганди. Ховлиқиб дўсти Расул кириб келди.

- Тур, кетдик жўра. Бугун раҳбаримизнинг туғилган куни, бор-масам бўлмайди. Бир ўзим сўппайиб боришга истихоло қилапман. Юр, бирига бориб келайлик. Бир-икки соат ўтириб қайтамиз. Бунинг устига мабодо озгина "олиб кўйсам" машинани сен хайдаб келасан.

- Мен, чарча... Озгина...

- Э, кўйсанг-чи. Узингни тарозуга солма, энди.

Дўстининг сўнгги гапи нафсониятига тегиб кетди, Қодирнинг. Бунинг устига хотини ҳам: "Бировни бунча ялнитирмай, борсангиз бориб кела қолин", - дея гапни жуфтлади. Ноилож, боягина ечган уст-бошини яна кийиб, дўстига эргашди. Машинага ўтираркан, "Расул, нимагадир оёғим тортмаяпти-да", деди гудраниб.

- Ирим-сиримингни кўйсангчи, аёлларга ўхшаб ҳар нарсага ирим қилаверсан-а, - дея Расул машинани жойидан кўзгади.

Бошлиқнинг туғилган куни муносабати билан уюштирилаётган зиёрат шаҳар марказидаги энг зўр ресторонларнинг бирида бўлаётганди. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Ичкиликнинг-ку хил-хиллидан. Расул аввалига "рулдаман", - дея ичмай ўтирди. Сўз навбати келиб, бошлиқ шайнига икки оғиз ширин сўз айтди. Сўнгра, тушдан кейин икки соат оёғи куйган товукдек ахтарган костюмимни "юбиярга" топширди. "Келинг, энди бир чўкштирайлик", - деган сўзини икки қиллолмади. Давра қизигандан қизир, Расул ҳам қўлига ушлаган қадахини бўшатмай кўймасди. Узини бегона бир жамоа ўртасида ёлғиз хис қилиб ўтирган Қодирнинг кўнгли гаш эди. Дастурхон тўла наъмату, бироқ татимайди. Негадир ичига чироқ ёқса ёршмайди.

Нихоят, базм ҳам ниҳоялади. Қодир дўстини суяб ташқарига олиб чиқди. Анчагина кайфи ошиб қолган бўлса-да, Расул машинаси эшигини аранг очиб, рулга ўтириб олди. Ҳар қанча ялнимасин, бошқа қилмасин рулни бермади. "Ўзим хайдайман", деб туриб олди. Дўстининг қайсарлигидан хуноб бўлган Қодирни баттар ваҳима босди.

Ваҳима бекорга эмас экан. Шаҳар кўчаларида елдек учиб келаётган "Жигули" йўл четига кетаётган икки велосипеднинг бирини туртиб юборди. Расул олдинга чийиллатиб тормоз берди. Дўстининг "Тўхта, тушиб кўрайлик, балки ёрдам керакдир", - деганига қарамай, газни босиб воқеа содир бўлган жойидан узоқлашиб кетди. Сўнгра, Қодирнинг уйига яқин ердаги қоронги кўчада тўхтади. Унинг мастлигидан асар ҳам қолмаганди.

- Менга қара Қодир, дўстим, нариги ҳафтага тўй белгиланган. Агар бир нарса бўлса, «Рулда мен эдим», - деб айтгин, хўпми. Аввали, худо ўлмагандир. Агар... Сени ўзим кутқариб оламан. Қанча пул кетса, мен балогадор. Фақат, бир марта кўллаб юбор, дўстим. Эртагаёқ, прокурор тоғамга айтаман, ёрдам беради.

Узи бўлари бўлган Қодир "ҳа-ям, йўқ" ҳам демай уйига қараб юрди. Расул ҳам машинасини аста хайдаб, уйига жўнади. Мана, оқибат, бугун у суднинг қора курсида. Велосипед минган бола ўлган, ёнидагиси машина рақамини эслаб қолган экан. Расулнинг "Велосипедчилар ўзлари айбдор. Йўлнинг ўртасида кетаётганди", - деб айтамиз деган гаплари ҳам чиппака чикди. ЙПХ ходимлари, автомашина тормози йўлини ўлчаб, ҳатто теълиғни ҳам аниқ белгилаб беришди. "Юз фоиз автомобил хайбовчиси айбдор, боз устига воқеа жойидан айбини яшириш мақсадида қочиб қолишган", -

дейилганди ЙПХ ходимларининг судга берган кўргазмаларида...

Мана, ҳукм ҳам ўқилди. Бировнинг машинасини беҳужжат бошқарганлиги, ёш бир ўспириннинг умрига зомин бўлганлиги, боз устига унга ёрдам бериш ўрнига айбини хаспўшлаш учун қочиб қолганлиги, бариси бўлиб 15 йил бериш-

дилда ҳам уни кечирди.

Уйида эса унинг озодликка чиқиси муносабати билан анча-мунча тайёр-гарлик қўрилган экан. Бу ҳам Расулнинг иши эди, албатта. Ўн-ўн бешта қариндош-уруғлар, ёру биродарлар тўпланишибди.

ДўСТЛИККА ХИЁНАТ

ди.

Шундай қилиб, емаган сомсага пул тўлаган Қодирнинг маҳбуслик ҳаёти бошланди. У темир панжара, сим тўсиқ

ортида тақдирига, кўнгли бўшлиғига лаянлатлар ўқиб юраркан, дўстим, дея уни чоғга итарган Расул ҳақида кўп ўйларди. Нафрат билан эсга оларди уни. Дарвоқе, улар болалигидан бирига ўсишган, бир синфда ўқишганди. Мактабдалиқларида бўлиб ўтган бир воқеа ҳам бот-бот унинг эсига тушадиган бўлиб қолди. Расул ёшлигида ҳам қув, шайтон эди.

Бир кун Қодирнинг отаси: "Мана бу кучук болаларнинг бир-иккитасини мактабинга олиб кет. Бунақада эмавериб, онасини ҳам адоий тамом қилишади" дея саккизта туққан итининг иккита боласини кўярда-кўймай бериб юборди. Уларнинг бирини Қодир, иккинчисини Расул кўтариб мактабга олиб келишди. Мактаб ховлисига қўйиб юборишди. Бечора кучукчалиш гингиш, танаффусда ҳар кимга эргашарди. Катта танаффусда эса Расул уларни бир йўла синфга олиб кирди. Адабиёт дарси эди. Балки, ўтган дарсда "икки" баҳо қўгани учун муаллимдан ўч олмакчи бўлгандир. Ҳар қалай, дарс энди бошланганда, парталарнинг тағида юрган кучукчалар гингиш бўлади. Жигибўйрон бўлган муаллим "Бу кимнинг кучукбачалари? Қани турсин жойидан!", деди аччиқланиб. "Қодирники, унинг ити саккизта туққан", дея сатганди ўшанди дўстини Расул. Табиийки, муаллим, Қодирни кучукбачалари билан қўшиб дордан чиқариб юборганди...

Хозир шуларни эслаб экан, "дўсти"га нисбатан нафрати янада ортарди. Аммо, у Қодирдан тез-тез хабар олар, уни аминиятига илтириш учун ҳаракат қилаётганини тинмай жаврарди. Балки, Расулнинг хизмати, ёки бошқа сабаб бўлдики, уни олти йил деганда озодликка чиқаришди. Албатта, бирданига "оқлашмади", мажбурий меҳнат колониясига "эркин ҳаёт"га ўтказишди. Шунга-ча, Самарқанд ва Навоий вилояти ораллиги анча-мунча бўлса ҳам Расул орасира хабар олар. Кейинги пайтларда Гулнорани ҳам олиб келадиган бўлганди. Бу ҳолат Қодирнинг қалбига бироз шубҳа солса-да, "Ҳар нарсага шубҳа қилавермаслик керак", - дея ўзини опатарди. Уни озодликка чиқаришган кун ҳам Расул хозир назир бўлди. Бошқа бирон-та қариндоши, дўсти ҳатто, амакилари ҳам келишмади. Дўстининг машинасида уйига қайтаркан, унинг астойдил кечирим сўрашларига ийиб кетди. Тилда ҳам,

Воқеий ҳикоя



ган Қодир негадир ошхона томонга юрди. Шунда беҳитиёр қия эшиқдан Расул ва хотинининг шивир-шивири қулоғига чалинди.

- Энди нима қиламиз? - деди Гулнора.

- Намунча ташвиш тортасиз, жонидан. Аввало, ҳали бутунлай озодликка чиққан йўқ. Кейинчалик эса, битта квартира топиб қўйганман.

Қодир устидан муздек сув қўйилгандек холга тушди. Шундай бўлса-да дарвор ортига қайтиб, меҳмонларни дарвозагача қузатиб келди. Ошхонага кириб, сездирмасдан дўсти ва хотинига зимдан разм солди.

- Хоналар ҳам сигарет тутунидан димикиб кетибди. Меҳмонхонани бироз шамоллатиб, иккимизга жой солиб қўй, - дея хотинига юзланди у. - Биз дўстим билан тоза хавода бироз сайр қилиб келайлик. Расул ҳам бугун қолади.

Чиқиб кетишгандан сўнг ярим соатлар ҳам ўтди ҳамки, улардан дарак бўлмади. Қозон-товонни йигиштириб, икковиға жой солиб қўйган Гулнора безовталана бошлади. Бир пайт Қодирнинг ўзи ҳаллослаб кириб келди. Қўлида қонга беланган ошпичок, усти боши ҳам қон...

- Вой, Расул акам...

- Ҳа, Расул акангни жўнатдим, бутунлай кетди. Энди сен манжаляқини... - Қодир важаҳат билан хиёнаткор хотинига ташланди. Аммо, вазиятни англаб турган Гулнора чап бериб, қочиб қолди... Шу куннинг ўзида хиёнаткорларга ўзича ҳукм ўқиб, ўзи ижро этган Қодирни эса яна икки ишлар ходимлари олиб кетишди.

ХАЙРУЛЛА ҲАМРОЕВ



Тўй БЎЛМАСМИКАН?

Тиқилинч автобусда ишдан қайтаёган. Ёнимда турган йигит билан қиз гапдан сира тўхташмайди.

- Ойим сизлар томондан берилган сарполарни яхши экану аммо, орасида "прокати" йўқмикан, деган хавотирда, - дерди қиз йигитга.

- Ие, Гулбахор! Ойингиз нега унақа гапларни гапирди? Онам бу сарполарни келини учун йиллар давомида йғиб - терган бўлса... Онам эшитса анча дили оғрийди-да, - деди йигит. - Лекин, сарпога берилган матоларни чеварингиз сизга ўлчаб тикаяпти-ку, Гулбахор. Илтимос, хар хил ортиқча гаплар чиқмасин, - дея ўтинарди йигит елкасига осилиб олган қизнинг қўлларини силаркан.

- Оббо, Баҳодир ака, онангиздан кўрқасизми нима бало? Бунақада тўйдан кейин менинг ёнимга ҳам тушмас экансиз-да...

Қиз атрофдагилар ҳам эшитсин учун тинмай гапирар, табиийки қўпчилик қатори унинг гапларини мен ҳам жимгина эшитиб кетардим. Қизнинг бу гапларидан кейин йигитнинг ранги ўзгарди. Овозини секинлатиб гапирди.

- Гулбахор, мен онамнинг ёлғиз фарзандиман-а! Нега бундай дейсиз? Ахир сизни не-не умидлар билан келин қилаётган бўлса?...

- Нима бўпти? Мен унча бунчага жиловимни тутқазмайман. Елкамга миниб олиб роса ишлаш ниятида бўлса, янглишади онангиз. Ахир мен машҳур фирмада тилмочлик қиламан-а? Мендек келиннинг хизматини қилса, ҳақини доллар билан тўлайман, онангизга...

- Ахир Гулбахор...

- Баҳодир ака, ахир менинг қанча олишимни яхши биласиз. Сизники ҳам, онангизнинг машиини ҳам қўшганда меникига урвоқ ҳам бўлмайди, ахир. Тўғрисиани айтаёганман-да, тўйдан кейин хафа бўлиб юрмасин-да, онангиз. Келимин хизматини қилмаяпти, деб.

- Йигит шивирлаб қизнинг қулоғига нималардир деди. Қизнинг энасиси қотди. Йигит яна гапирди. Қиз эса шарақлаб қулиб юбораркан:

- Тўйдан кейин кўраимиз-да, - деди ҳаммага эшиттириб

- Йигитнинг ранги ўчди. Қўзларини катта-катта очиб қизга бироз тикилиб турди-да, кейин:

- Кечирасиз, мен адашибман. Энди тўй бўлмайди, - деди-да, бекакта келиб тўхтаган автобусдан тушиб кетди. Қиз анграйганича қолди. Йўловчилар орасида бу суҳбатни эшитиб турганлардан бири:

- Ажаб қилди-да, - деди. Мен ҳам бу гапга қўшилдим. Кейинчалик ўйлаб юрдим. Уларнинг тўйи бузилдики-ку? Балки, ярашиб кетишгандир? Нима бўлганда ҳам отам раҳматлининг, "Душманинг ҳаминша ўзинг билан, бу душман эса тилишди!" деган гапларига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим.

ГУЛБАШАҚАР

КУНГАБОҚАР КИМГА БОҚАР?

Кунгабоқарни ҳамма бу-писта-да деб қўяолади. Дар-ҳақиқат, меваси пишганда очилмайдиган писта. Оқ, қора рангда бўлади, қузда пишиб етилади. Бироқ, унинг табиатида гуллари, барги, мойи қўлланишни эътиборга олсак, "шунчаки писта" деганимизга тил тишлаб қоламиз.

Кунгабоқардан пектин моддаси олинади. Пектин ошқозон-ичак хасталикларига ишлатиладиган доривор препаратлар учун асос ҳисобланади. Кунгабоқар мойи эса мойли эритмалар, суртма дорилари, пластирлар тайёрлашда ишлатилади. Баъзан қовурилган мойи куйганда тавсия этилади. Таркибидаги туйинмаган ёғ кислоталари борлиги учун паришонхотирликда қўлланилади. Кунгабоқар мойи ўт (сафро) ажралишини кучайтиради.

Баргида ва гулларида флавоноид гликозид, холин, бетаин ва бошқа моддалар сақланади. Шу боис бир талай хасталикларни даволашда қўлланилган. Тана ҳарорати юқори бўлганда, юрак, бод, сарик хасталигида, пешоб ҳайдашда яхши наф беради.

Иштахани очиш учун кунгабоқар гулидан 1 ош қошиқ олинди, бир стакан қайноқ сувга солиб, чой сингари дамланади. Сўнгра ярим стакандан таомдан ярим соат олдин ичилади. Кунгабоқар мойи техникада, саноатда, косметологияда ҳам қадрланади. Кези келганда шуни қайд этиш керакки, Тибет табиблари томонидан кашф этилган ўсимлик мойи билан даволашни усули диққатга сазовордир.

Кўплаб хасталикларни даволашда қўлай бўлган ва аъзойи-танага зарар етказмайдиган бу усул - ўсимлик мойини сўриш орқали даволанишдир. Даволаниш сири айнан шу сўриш жараёнида ҳосил бўлади. Қолган муолажаларни аъзойи-тананинг ўзи давом эттиради. Бу усул содда кўринса-да, инсон танасидаги барча тўқималаридаги рутубатларни ва яшаш жараёни учун кераксиз бўлган моддаларни чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Пировардида тана тозаланиб, ёшаради ва баъзи касалликлардан озор чекаётган бўлса, ҳоли бўлади. Мабодо кишида бир неча хасталик тўлланиб қолган бўлса, у даволанишни бошлаганда ўзини аввалгидан ҳам ёмонроқ сезиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат ўткинчи бўлади, чунки бемордан касаллик чиқиб кетиш жараёнида шундай ҳол юз беради. Шу боис қўрқмасдан муолажани давом эттирсан бўлаверасан.

Даволаниш учун энг яхшиси бу юқорида айтганимиздек кунгабоқар мойи (ёғи)дир. Халқ табиби К.Нурматовнинг ёзишича, агар кунгабоқар ёғи топилмаса ер ёнғоқ ёғини қўллаш мумкин.

Ҳуш, даволаниш жараёни қандай кечади? Бир ош қошиқ микдоридеги ёғ



оғизга солинади ва оғиз бўшлигининг олди томонида 15 дақиқа мобайнида қанд сўргандек сўрилади. Ёғни ютиш асло мумкин эмас, чунки у ҳолда даволовчи қуввати йўқолади. Аввалига оғизга олинган ёғ қуюқ туйилади, тўғри сўрилса сувга ўхшаб суюқлашиб қолади. Вақт ўтиб оғиздаги ёғ суюқлашиб қолганда у ташланади. Бу ёғнинг ранги сутга ўхшаб қолиши керак. Агар у оқармаган бўлса, кейинги сафар сўриш вақти узайтирилади.

Даволаниш муддати касалликнинг оғир ёки енгиллигини ҳисобга олган ҳолда

7 кундан уч ойгача давом этиши мумкин. Муолажани кунига бир марта эрталаб ёки кечқурун бажарилади. Кунгабоқар мойи (ёғи) билан амалда бош ва тиш оғриқлари, гайморит, қон бузилиши, бел оғриқлари, асаб бузилиши, ички ва ташқи шишлар сингари хасталиклар даволанади.

Шунингдек, бу усул билан меъда (ошқозон), ичак, юрак, жигар, талок, аёллар хасталикларини даволаса бўлади. Фақат кишидан кунт ва сабр билан мунтазам кунгабоқар ёғида муолажа қилинса, кўзланган мақсадга эришилади.



ОШҚОЗОН ҚОП ЭМАС...

"Икки кишилик овқат уч кишига етади, уч кишилик овқат тўрт кишига етади".

Овқатланиш ҳаёт лаззати. Улуғ зот инсон учун кўплаб ноз-неъматлар борки, булар ҳаёт учун, тириклик учун, она-табиатнинг ҳиммат-саховати билан қодир эгам яратиб қўйган. Овқатланишда ҳам бир киши ўз аъзойи-тани, эҳтиёжига қараб, меъёрида сифатли таом ейиши керак. Қадимий китобларда: "Ошқозон касалликлар уйдир, парҳезли овқатланиш барча даволар асосидир", дейилади. Таом меъдада ҳазм бўлар экан, унга зўр бермаслик, меъеридан ортиқ овқат билан уни тўлдириб иш фаолиятини бузмаслик керак. Зеро, одам фақат овқат ейиш учун яшамайди. Азиз муштарийлар, бугун сизларга ҳақимларнинг ҳикоятларидан таом ейиш борасида одоб-ахлоқ қоидаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Риоя этмоқ, сизга боғлиқ.

Луқмони ҳақим ўз ўғлига насиҳат тарикасида куйидагиларни буурди:

- Кам гапириш, кам ухлаш ва кам ейишни ўзингга одат қилки, бундан саломатлигинг доимо барқарор бўлади. Ақлли кишилар ҳақимлар айтган сўздан чикмасликлари керак. Бинобарин, ойда икки марта қайт қилиш, ҳафтада уч марта ҳаммомга бориш, бошу-танани ширин иссиқ сув билан ювиш, икки кунда уч марта таом ейиш, бунда ҳар ўн олти соатда бир марта овқатланилади, бу жолинуснинг кўрсатмасидир.

Баҳор фаслида қуруқ-совуқ мижозли овқат ва шарбат, ёз фаслида ҳўл-совуқ овқат ва шарбат, қузда ҳўл-иссиқ овқат ва шарбат тановвул қилинади. Қишда эса қуруқ-совуқ овқат ва шарбатга майл қилмоқ лозим. Шундай қилинса кишининг саломатлигида нуқсон бўлмайди. Ўзга бир ҳикмат шундайки, кимки бир нарсага одат қилган бўлса, бирданга ўша одатни ташламаслиги керак, илжи борича киши ўзини фақат бир хил овқат ейишга ўргатмаслиги

лозим, токи ўша ейдиган овқати тасодифан йўқ бўлиб қолса, ожиз қолмасин ва ранжиш бўлмасин.

Меъда саломатлигини сақлаш - иссиқ, совуқ, қуруқ ва ҳўлликда мўътадил бўлган овқатларни истезмол қилишга боғлиқ. Овқат орасида сув ичмаслик лозим. Иссиқ ва совуқ ҳавода шу ҳавога мос мўътадил овқатларни



ихтиёр қилиш керак. Иштаҳа

келгандагина овқат ейиш керак. Меъда бузилиб бўкиш ҳосил бўлмаслиги учун овқат еяётган пайтда ҳали ейишга яна озгина иштиёқ қолганда ейишни тўхта-тиш керак.

Бир кимса дунёдан ўтган экан, қайта тирилибди. Нега ўлдинг, деб сўрашганда овқат еб ўлдим, деб жавоб берибди.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино дейди:

Агар таом чексиз лазиз бўлса ҳам, Кўп емагин, келтиради дарду ғам Алишер Навоийнинг ҳикмати:

Сиҳат тиласанг кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема.

Кўп овқат еб, ранжу алам тортиш ҳақида шундай бир ҳикоят бор:

- Кисронинг бир ўғли бор эди. У жуда кўп овқат ер ва ҳамиша хаста эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини била олмади. Шунда бир табибни чақириб келишди. Табиб йигитнинг томирига қўл қўйиб, кўп ейиш туфайли овқат ҳазм бўлмасдан ҳикичок ва кекириш касаллигига мубтало бўлганини билди ва уни даволади.

Кисро табибдан сўради:
- Унга нима бердинг?
- Очлик! - деб жавоб берди табиб. Озгина овқатга қаноат қилиб юрган киши кам хасталанади. Байт:

Бир табиб бир кунни бир ажиб ҳикмат, Эл учун айтганмиш қилиб марҳамат:

- Егин, ичгин доим кўнгли тортувчи, Нафақат бўғзингдан тошиб ортгунча.

Овқатни меъёрида ейиш борасида ҳақимлар айтадилар:

- Кимнинг ейиши оз бўлса, тана соғ бўлади... Овқатни кўп еган кишининг дил кўзи бекилади, тан мулки эса хароб бўлади. (Ҳақим Ҳазифа)

- Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан олод бўлади. (Луқмони Ҳақим)

- Икки нарса кишининг қалбини қорайтиради: кўп ейиш ва кўп гапириш. (Фу-зайл)

- Овқат ейишнинг меъёри ва чегараси бор. Ошқозон қоп эмас, унга тикаверма. Бўкиб емоқ-соғлиқни тўкиб емоқ. (Ҳақим Абдулмажид Санойи)

- Нафс-истак хоҳишига алданиб ошқозонга зарар, аъзойи-танга захар бўлади, танга кўп тановвул қилмаслигимиз керак, деб ёзган эди таниқли журналист, устоз Тўлқин ака Раулов. (Худо раҳматига олган бўлсин).

М.МИРЗАШАРИПОВ дорихунос

ДАВОМИ (боши ўтган сонда)

АСАДАН ДАВО ОЛАМИЗ

ОШҚОЗОН ОҒРИГАНДА, ҚУСИШ ВА ИШТАҲА ЙЎҚОЛГАНДА - Бир ош қошиқ асал 200гр. қайноқ сутга солиниб аралаштирилади ва илиқ ҳолда кунига ярим марта, эрталаб овқатдан бир соат олдин, туштакда бир ярим соат олдин, кечқурун овқатлангандан 2 соат ўтгача истеъмол қилиш тавсия этилади.

ХОЛЕЦИСТИТ - Ҳар хил шамоллашда фойдали бўлган доривор ўтлардан бир ош қошиқдан (бўймадарон - тисьячистник, бессмертник гуллари, швоқ, ялғиз) олиб идишга солинади. Устидан 0,5 литр қайноқ сув қўшиб бугда 15 дақиқа давомида қайнатилади. Бунинг учун ўтлар солинган идиш, қайнаб турган сувли идиш ичига 15 дақиқа давомида қўйиб қўйилади. Ярим соат давомида сувутиб сўнгра докадан ўтказилади. Шу шарбатнинг ҳар стаканига 2 ош қошиқ микдориде асал солиб аралаштирилади. Тайёр дориворни кун давомида овқатдан 15-20 дақиқа олдин ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

РАДИКУЛИТ ВА БЕЛ ОҒРИГИДА - Уч ош қошиқ уялари билан олинган асалга 1/4 стакан (стаканинг тўртдан бир қисми) микдордаги алоэ шарбати ва учдан икки стакан микдордаги қайноқ сув билан аралаштирилади. Шу малҳам билан ухлашдан олдин компресс (суртилиди) қилинади.

Л.АХМЕДОВА тайёрлади

ОЗИШ УЧУН БИР НЕЧА МАСЛАҲАТЛАР

- Моддалар алмашинувини нормага келтириш учун, пичок учиди ҳар кун картошка гуллари қуқунини уч марта истеъмол этиб турмоқ лозим.
- Бир неча ой давомида сабзи шарбатини 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан олдин ичиб туринг.
- Картошка, сабзи, қарам шарбатлари аралашмасини ҳар кун истеъмол этинг.
- Бир неча кун давомида 0,5-1 стакан микдориде ошқовоннинг шарбатини ичишни одат қилинг.
- 10 та таримсоққилё бошини эзиб, 10 та лимон сувига аралаштиринг, бунга 1 кг асал қўшинг ва қоронғу, салқин жойда 1 ҳафта вақти-вақти билан аралаштириб сақланг. Бу малҳамни 1 кунда 4 чой қошиқдан шовилмасдан, дарров ютиб обормасдан ҳеч бир кунни ёддан чиқармасдан ичинг. Бу малҳам 2 ойга етади. Агар лозим топилса бу ишни яна 1 ойдан сўнг давом эттиринг.

СЕМИЗЛИКДАН ҚУТУЛИШ ПАРХЕЗИ

Бу парҳез 10 кунга мўлжалланган. Унга қатъий риоя қилинганда одам 4 кг. ортиқча юкдан қутулиши мумкин. 4-5 ойдан сўнг курсни яна такрорлаш мумкин.

8.00 - Бир пибёла чой ёки қаҳва бир дона қанд билан
11.00 - 1 дона қайнатилган тухум, 8 дона олжўри қоқи.
14.00 - 200 грамм қайнаб пиширилган суякли гўшт. Қарам, сабзи олма ҳам қўшиб еса бўлади.
17.00 - 30 грамм пиллоқ ёки сузма, апельсин ёки олма.
20.00 - 1 стакан кефир ёки қатиқ.

М. КАРИМОВА

СТЕНОКАРДИЯ - Бир стакан малина меваларини 1 литр қайноқ сувга солиб 8 дақиқа давомида қайнатилади. Тиндириб олингандан сўнг, 3 ош қошиқ асал солиниб яхшилаб аралаштирилади ва кунига 3-4 марта ярим стакандан ичилади.


АСАЛ ДАН ГЎЗАЛИК ОЛАМИЗ

Тўрт дона янги узилган бодринг олинади. Яхшилаб ювилган гўшт майдал ўтказилади. Майдаланган бодринг шиша идишга солинади ва унга ярим дона моннинг суви, бир чой қошиқ майда тўғралган лимоннинг ўзи солиниб устидан бир стакан арок қўйилади. Аралашма давомида идишга солиниб, оғзи беркитилган ҳолда 2 hafta қоронғу жойда сақланади. Сўнг донадан ўтказилиб устидан чорак стакан камфорали спирт қўйилади. Бир дона тухумнинг сариғи, бир ош қошиқ асал билан аралаштирилиб ўша аралашмага қўйилади ва ҳаммаси яна яхшилаб аралаштирилади. Тайёр маҳсулот хар сафар яхшилаб аралаштирилган, устидаги кўпиги кечкурун ухладан олдин юз терисига суртилади ва 15 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.



Юзингиз куруқ бўлса бир дона тухумнинг сариғига бир чой қошиқ асал ва бир чой қошиқ сули ундан солиб аралаштирилади. Тайёр ниқобни юз терисига суртиб 15-20 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювиб ташлаш тавсия этилади. Бу ниқобдан қўл терисини юмшатишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёғли юз териси учун 3,5 ош қошиқ асал (агар асал қаттиқ бўлса бугга тутиб эритилади) 3 ош қошиқ спирт ва 3 ош қошиқ ароққа қўшиб аралаштирилади. Тайёр бўлган маҳсулот юпкагина қилиб юз терисига суртилади. 10-15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади ва юз терисига упу суртиб қўйилади.



Бир чой қошиқ асалга кўпиртирилган тухумнинг оқи ва 2 ош қошиқ ун қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмадан 10-15 дақиқа давомида юзингизга ниқоб қилиб қўясиз, сўнгра илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.


Бир чой қошиқ творог ярим чой қошиқ асал билан аралаштирилади. Сўнг бир чой қошиқ сут солиниб яна аралаштирилади ва юз терисига суртилади. Ярим соатдан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади. Бу ёғли тери учун фойдали.



Бир ош қошиқ асал 2 стакан илиқ сувда аралаштирилади. Кечкурун шу сув билан юз терисини артиб, 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташласангиз юзингиз ойдек тиник бўлади.

Бир ош қошиқ асал, бир дона тухумнинг сариғи, 8 томчи таркибида А витамини бўлган ўсимлик ёғидан, 2 ош қошиқ сут, кичик бўлак қора нон (нонни 3-5 дақиқа сутда ивйтиб, юмшагач қўшиб тавсия этилади) олинб яхшилаб аралаштирилади ва юз терисига суртилади. 20 дақиқадан сўнг қайнаб илиқ ҳолатга келтирилган сув билан ювиб ташланади.

Бир чой қошиқ асалга бир неча томчи лимон шарбати ва 1-2 чой қошиқ янги олинган қаймоқ қўшиб юз терисига яхшилаб суртилади. Фақат кўз атрофларигагина суртилмайди. Ярим соатдан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.



Куруқ ва нормал юз териси учун ёғли ниқоб бир дона тухумнинг сариғи, бир ош қошиқ ўсимлик ёғи ва бир қошиқ асал яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра пахтага сингдирилиб юз терисига суртилади. Ниқоб куригандан сўнг устидан яна бир марта суртилади. 20 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади. Бу ниқобдан ҳафтасига бир марта фойдаланиш мумкин.



Бир чой қошиқ асал, бир чой қошиқ сабзи шарбати аралаштирилиб юз терисига суртилади ва 15-20 дақиқадан сўнг қайнаб совутилган ҳамда сут ва лимон шарбати қўшилган аралашма билан чайиб ташланади.



2 ош қошиқ асал сувда аралаштирилиб, илиқ сувга тўлдирилган ваннага солинади ва шу ванна 15-20 дақиқа қабул қилинади.



Юз терисини тозаловчи суюқлик бир чой қошиқ асал бир чой қошиқ глицерин билан аралаштирилади. Устидан ярим стакан сув, 0,2 чой қошиқ миқдорда бура ва бир ош қошиқ ароқ солиниб аралаштирилади. Тайёр аралашма эрталаб ва кечкурун пахтага сингдирилиб юз териси артилади.

Бир ош қошиқ ўсимлик мойига бир дона тухумнинг сариғи ва бир ош қошиқ асал қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва юзга яхшилаб суртилади. Ярим соатдан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.



2 ош қошиқ сут олинб ичига қайнатилган бир дона картошка эзиб қўйилади. Сўнг бир ош қошиқ асал, бир ош қошиқ зайтун ёғи, 5 томчи Е витаминли ёғ солиниб яхшилаб аралаштирилади ва юз терисига суртилади, 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

Бир дона тухумнинг сариғи бир чой қошиқ ўсимлик ёғи билан яхшилаб аралаштирилади ва унга ярим чой қошиқ олма шарбати, ярим чой қошиқ асал қўшиб яна аралаштирилади. Сўнг юз терисига суртилиб 10-15 дақиқадан сўнг сув билан ювиб ташланади.




Тенг миқдорда пиёзнинг суви ва асал олинади. Унга озроқ мум ва лиля ўсимлигидан қўшиб, сопол идишга солинади ва бугда аста-секин эритилади. Яхшилаб эриб, аралашгандан сўнг бир ой давомида хар куни кечкурун бир марта юз терисига суртилади.



Бир ош қошиқ қаймоқ олинб, 2 ош қошиқ оққайин шарбати билан яхшилаб аралаштирилади. Сўнг унга бир чой қошиқ асал қўйилади. Тайёр маҳсулот юз терисига яхшилаб суртилиб 15 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювиб ташланади. Оққайин шарбати ўрнига бирор доривор ўтнинг дамламасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Куруқ ва синувчан сочлар учун ниқоб бир ош қошиқдан алёз шарбати, асал, кастор ва репейни ёғлари идишга солиниб, аралаштирилади. Сўнг сув солинган идиш ичига идиши билан қўйилиб бир неча дақиқа давомида иситма-лаб аралаштирилади. Сал совуғач сочлар илдизига яхшилаб суртилади ва устидан полиэтилен қалпоқча кийиб 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади. Ювилган сочларни иложи бўлса дарҳол қуриштиш тавсия этилмайди.



1 чой қошиқ асални 1 ош қошиқ сутга аралаштиргач 15-20 минутга юзингизга суртинг. Бу ниқоб айниқса баҳорда бебаходир.




Яримта олмани қирғичдан ўтказасиз, унга 1 ош қошиқ асални, 1 дона тухум сариғини, 1 чой қошиқда аспириин таблеткасини, 1 чой қошиқ сирка ва 1 чой қошиқ ўсимлик ёғини аралаштирасиз. Аралашмани ярим соатга юзингизга чаплаган ва сўнгра ювиб ташланг.

Сарғайган юз учун асал бир хил миқдордаги сут, қаймоқ, сузма билан аралаштирилади ва сарғайган, куруқшаган, салқин юзга суртилади.

Сочингиз тўқилса. Уч бош пиёз қирғичдан ўтказилиб унга бир ош қошиқ асал қўшиб аралаштирилади ва соч илдизларига суртилади. 30 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

2 ош қошиқ анорнинг суви олинб, бир чой қошиқ асал билан аралаштирилади. Яхши аралашши учун идиш сув буғида 10 дақиқа тутилса ҳам бўлади. Тайёр маҳсулот пахта билан юз терисига суртилади ва 10 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.



ЭСЛАТМА: Ниқоблардан чалқанча ётган ҳолда фойдаланган маъқул. Шунда танангиз ором олади.

Саҳифани Лола АХМЕДОВА тайёрлади



60 СОНИ ЯДА АНИҚЛАШ МУМКИН

ЎЗИНГИЗНИ БИР СИНАНГ-ЧИ!

**Соғлиғимиз қандайлигини ўзимиз биламизми?
Куйидаги тест саволлари ёрдамида ўз соғлиғимиз
қай даражада эканлигини аниқлаб олишимиз мумкин.**

- 1** **Хар куни, эрталаб уйғонганингизда Сиз ўзингизни:**
 - а) Тетик, уйқуга қониб, куч-қувватга тўлгандек ҳис этаман - 2 балл.
 - б) Уйқуга қонмагандек бўлиб, ўзимда узоқ вақтгача чарқоқни ҳис этаман - 1 балл.
 - в) Эрталаб барвақт уйғонсам-да ўзимни лоҳас ҳис этаман ва тўшақдан тезда туролмайман. Баъзида куни билан уйқум келиб юради - 0 балл.
- 2** **Қандай ҳолатингизда шифокор ҳузурига борасиз?**
 - а) Йилига бир неча марта ўз соғлиғимни аниқлаш мақсадида бораман - 2 балл.
 - б) Фақат бирор жойим оғриб қолганида шифокор ҳузурига бораман - 1 балл.
 - в) Бир йилда бир неча марта янги дориларни номини ёздириб йўлланма ёки касаллик варақасини олиш учун бораман - 0 балл.
- 3** **Ўзингиздаги касалликларга қаршилик кўрсатувчи қувватни (иммунитетни) ошириш учун нима қиласиз?**
 - а) Хар хил витаминларни вақтида қабул қиламан. Шунингдек танамни чиниқтирувчи машқлар билан шуғулланаман - 2 балл.
 - б) Халқ таъбабидан маълум бўлган хар хил маслаҳатларга амал қилиб, витаминли маҳсулотлардан: лимон, саримсоқпиез ва бошқаларни истеъмол қилиб юраман - 1 балл.
 - в) Ҳеч нарса қилмайман. Хар хил витаминли маҳсулотларнинг фойдасига унчалик ишонмайман - 0 балл.
- 4** **Шамоллаб қолиб бир неча кун даволанганмисиз?**
 - а) Йилига бир ёки икки марта грипп билан хасталаниб қолишим мумкин холос - 2 балл.
 - б) Йилига бир неча марта кўпинча, қиш пайтлари шамоллаб ётиб қоламан - 1 балл.
 - в) Йилига кўп марта шамоллаб қоламан ва даволанаман - 0 балл.
- 5** **Спорт машқларининг бирор тури билан шуғулланасизми?**
 - а) Ҳа, йил давомида спорт залига қатнайман - 2 балл.
 - б) Фақат бўш вақтларимдагина спорт билан шуғулланаман - 1-балл.
 - в) Ҳеч қандай спорт билан шуғулланмайман - 0 балл.
- 6** **Агар шамоллаб қолсангиз, касаллигингиз неча кун давом этади?**
 - а) Одатда 2-3 кундан ортиқ касалланмайман - 2 балл.
 - б) Камида бир ҳафта давомида даволанаман - 1 балл.
 - в) Касаллигим бир ҳафтадан кўпга чўзилади, тузалганидан сўнг ҳам асорати қолади - 0 балл.
- 7** **Оби-ҳавонинг кескин ўзгариши соғлигингизга қандай таъсир қилади?**
 - а) Ҳеч қандай таъсири бўлмайди - 2 балл.
 - б) Баъзида соғлиғимга таъсир қилади - 1 балл.
 - в) Тезда таъсир қилади ва шамоллаб қоламан - 0 балл.
- 8** **Икки томонлама очик хонада, яъни елвизакда ўтиришнинг сизга таъсири қандай?**
 - а) Очик эшик ва ойна ўртасида ўтиришдан шамоллаб қолмайман - 2 балл.
 - б) Эшик очик бўлганда ойнанинг фақат кичик кўзини сал очиб ўтирсам шамоллаб қолмайман - 1 балл.
 - в) Эшик ойналарини хар доим бекитиб қўяман. Бирортаси сал очик бўлса ҳам шамоллаб қоламан - 0 балл.
- 9** **Кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқатингизда витаминга бой маҳсулотлар қай даражада бўлади?**
 - а) Хар куни витаминларга бой бўлган маҳсулотлар билан овқатланаман - 2 балл.
 - б) Баъзида витаминларга бой маҳсулотлар билан овқатланаман - 1 балл.
 - в) Овқатланишимга унчалик эътибор бермайман. Нима бўлса еб кетавераман - 0 балл.
- 10** **Цитрусли меваларни истеъмол қиласизми?**
 - а) Хар куни лимон ёки апельсин истеъмол қиламан - 2 балл.
 - б) Ҳафтасига бир марта лимон ёки апельсин истеъмол қиламан - 1 балл.
 - в) Деярли цитрусли меваларни истеъмол қилмайман - 0 балл.

Йиғилган балларга қараб натижасини аниқласак у куйидагича бўлади:

0-6 балл: Танангиз қуввати кўнгилдагидек эмас. Хар хил шамоллашлар натижасида холсизланиб қолгансиз. Бунга кам ҳаракат қилишингиз ҳам сабаб бўлган. Тезда куч-қувватни оширадиган маҳсулотларни истеъмол қилиш, танани чиниқтириш учун спорт машғулотлари билан шуғулланиш, шунингдек қувватни (иммунитетни) оширувчи "витаминлардан фойдаланишингиз лозим.

7-13 балл: Соғлигингиз, куч-қувватингиз даражасини қаноатланарли, деб баҳолаш мумкин. Бироқ жуда яхши деб ҳам бўлмайди. Кундалик меҳнат ва турмуш ташвишларидан баъзида чарчашингиз мумкин. Бу ҳолатнинг ўзиёқ сизда иммунитет етарли даражада эмаслигидан далолат беради. Демак, ўз соғлигингизни янада тиклаш устида ўйлашингиз лозим. Сиз хар хил витаминга бой маҳсулотларини истеъмол қилиб, турмуш тарзингизда бир мунча яхшилашингиз ва витаминлардан фойдаланишингиз лозим.

14-20 балл: Сизнинг соғлигингиз аъло даражада ва сизга ҳавас қилса арзийди. Тетик ва қувноқ кайфиятдасиз. Куч-қувватингиз ҳам етарли. Касалликларга жуда кам чалинаси. Лекин ана шундай ҳолатни узоқ сақлаб юриш учун кундалик турмуш тарзингизни одатдагидек давом эттиришингиз лозим. Баъзи пайтларда танадаги куч-қувватни асраш учун витаминлардан фойдалансангиз зарар қилмайди.

Л. АҲМЕДОВА
тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлэмалар тақлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият» дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобок.
Адади - 19112
Саҳифаловчи — А. ТОХИРОВ
Расм — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Т. НОРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.